

*Уибү китоб «Жадид маърифатпарварлари
ёзяларидан ёш авлод тарбиясида фойдаланиши»
мавзусидаги инновацион тадкиқотлар
доирасиданашр этилди*

**Абдурауф
ФИТРАТ**

НАЖОТ ЙЎЛИ

ТОШКЕНТ
«МАЪНАВИЯТ»
2022

УЎК 94:008(575.1)
КБК 66.3(5Ўзб)
Б 98

БУЮК ҚОМУСИЙ БИЛИМ СОҲИБИ

Абдурауф Фитрат 1886 йили исломий маданиятнинг марказларидан бири Бухорода таваллуд топган. Отаси Абдураҳимбой замонасининг маърифатли бойларидан, онаси Бибижон эса ўқимишли, ўз боласи тақдирида муҳим роль ўйнаган аёллардан бўлган. Дарвоке, Фитрат юқорида тилга олинган анкетада онасининг исмини Бибижон сифатида тилга олган. Адибнинг бошқа қариндошу авлодлари ҳам унинг тўла исми Мустафабиби бўлганини унутиб, Бибижон исми билан ёдлаб юришади. Абдураҳимбой қўпроқ савдо ишлари билан банд бўлгани сабабли ёш Абдурауфнинг тарбияси зийрак ва зукко онаси Мустафабибининг қўлида бўлган.

Абдурауф дастлаб эски мактабда, сўнгра Бухородаги машхур «Мир Араб» мадрасасида таҳсил қўрган бўлса-да, илмга чанқоқлиги, «китоб шайдоси» бўлганлиги боис мустақил мутолаа орқасида аксар мадрасадошларидан анча илгорлаб кетган эди.

Фитрат 1909–1913 йилларда Туркияда ўқиб ижод этган.

Туркияда ёзган асарлари. У Туркияда «Мунозара», «Сайха», «Юрт қайғуси» номли китобларини чоп этган.

Фитрат 1912 йил 11 марта бухоролик ёшлар Когондаги мактаб эгаси Ливий (яхудий) нинг моддий ёрдамида «Бухоро шариф», ўша йилнинг 14 июлида эса туркий тилда «Турон» газетасини нашр этишга муваффақ бўлдилар.

Бухоро амирининг 1917 йил 7 апрель фармони (манифести)дан кейин Фитрат Сармарқандга кўчиб бориб, «Хуррият» газетасига муҳаррирлик қиласди. Газета моддий жиҳатдан оғир аҳволда қолгач, муҳаррирлик лавозимини Муҳаммадқул Ўринбой ўғлига топширади.

Фитрат ҳаёти ва фаолиятининг Тошкент даврида рўй берган энг муҳим воқеаси «Чигатой гурунги»нинг Ўзбекистондаги биринчи адабий уюшма сифатида тузилишидир. Ўтган асрнинг 20-йилларида яратилган адабиётшунослик ва тилшуносликка оид асарларда «чигатой адабиёти», «чигатой тили» атамалари кўп учрайди. Фитрат «Чигатой адабиёти» деган мақоласида Ўрта Осиёдаги туркий тилларда яратилган адабиётнинг «Чигатой адабиёти» деб аталиши Чингизхоннинг ўғли Чигатой номи билан боғлиқлигини ўтироф этган.

«Чигатой гурунги» – номининг «у қадар

илмий» бўлмаганига қарамай, 1918 йил ноябрь ойидан 1921 йилнинг 10 январига қадар кечган даврда Тошкентда яшаган шоир ва ёзувчилар, илм-фан, мактаб ва маориф ходимлари ҳамда санъаткорларнинг адабий-маърифий уюшмаси сифатида фаолият олиб борди. Фитратнинг бу уюшмани тузишдан мақсади, биринчидан, тарқоқ ҳолда яшаётган илм ва ижод аҳлини бирлаштириш, иккинчидан, шоир ва ёзувчиларнинг янги асарларини тинглаб, муҳокама қилиш, учинчидан, даврнинг адабий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этиш, тўртинчидан, мусика ва театр ишларини жонлантириш, бешинчидан, лугат таркиби ва грамматик тузилиши мураккаб бўлган ўзбек адабий тилини ислоҳ қилиш, араб ва форс сўзларини қадимий туркий сўзлар билан алмаштириш, рус тилидан кириб келиши мумкин бўлган сўзларнинг ўзбекча муқобилини ишлаш, хуллас, янги, замонавий ўзбек адабий тилини яратиш эди.

Туркистон халқларининг энди «қизил мустамлакачилар» зулми остида эзилаётгани билан муроса қила олмаган Фитрат мустақиллик учун кураш foялари балқиб турган «Темур сағанаси», «Ўғузхон» (1919), «Чин севиши» (1920), «Або Муслим Хуросоний», «Қон» (1921) пьесаларини ёзади. (Афсуски, бу асарлардан фақат Гози Юнус томонидан нашр этилган «Чин севиши» драмасигина биз-

гача етиб келган.) Шунингдек, «Шарқ сиёсати» (1919) туркум мақолаларини алоҳида китобча шаклида нашр этади.

Агар Ҳамид Олимжон мақоласидаги «аксилинқилобий», «пантуркистик» сингари эпитетларни олиб ташлаб, улар ўрнига уч нуқталар қўйсак, у «Темур саганаси» драмаси ва Фитратнинг шу даврдаги ижоди ҳақида бундай ҳақ гапни айтади:

«Фитратнинг «Темур саганаси» драмасида шундай ...фикрлар айтилади: «Хоқоним, эзилиб таланганд, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланганд турк элининг бир боласи сендан кўумак истарга келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг бир коровули сенга арз этарга келди».

Бу ...программа бу вақтдаги Фитратнинг бутун ижодининг моҳиятини ташкил этади... У бутун «турк эли»га мурожаат қиласи ва «Турон»ни инқилобдан, пролетар инқиlobининг тўлқинларидан тортиб олишга чақиради».

Замондошларининг нақл қилишларича, Фитратнинг юрак қони билан ёзилган «Темур саганаси» спектакли ҳам, «Ўғузхон» спектакли ҳам томошабинларни ларзага келтириб, уларда Туронни босқинчилар чангалидан халос этиш, эрк ва хуррият учун кураш туйгуларини уйготган.

Фитрат 1920 йилда «Чин севиши» драма-

сини ёзгач, ҳали бу асар сахна юзини кўриб улгурмай, унинг давоми – «Ҳинд ихтилолчилари» драмасини ёзади. Бу асар Германияга ўқишига борган бухоролик талаба Вали Қаюмхон ҳамда Анна фон Сабайннинг саъй-ҳаракати билан 1923 йили Верлагда нашр этилгани учун адабиётшунослар унинг яратилиш санасини 1923 йил деб келадилар. Ҳолбуки, Чўлпон «Чин севиши» («Иштироқиён» газетаси, 1920 йил 25 ноябрь) деган тақризида: «Чин севиши»нинг ёзғувчиси унинг давоми дейилса бўлатургон «Ҳинд ихтилолчилари»ни ёзib битирган», деб очиқ-ойдин ёзган. «Ёш бухороликлар» шу йилларда дастлаб Колесов, сўнгра Фрунзе раҳбарлигидаги қўшин ёрдамида амирликни тугатиш ва Бухоро Халқ Жумҳуриятини барпо этиш мумкин, деган фикрга келдилар. Фитрат 1919 йилда Бухоро компартиясига аъзо бўлиб кирди. 1920 йил сентябрида Бухоро Халқ Шўро Жумҳурияти ташкил этилганидан сўнг, 1922–1923 йилларда Жумҳуриятнинг ташқи ишлар ва маориф нозири, жумҳурият Нозирлар Шўросининг раис ўринбосари лавозимларида хизмат қилди. Аммо у 1923 йилда хизмат вазифасини сунистемол қилганликда айбланиб, Бухоро заминидан кетишга мажбур бўлди.

Фитрат Москвадалик даврида Жонли Шарқ тиллари институтида хизмат қилиш билан бирга бадиий ижод билан ҳам шугул-

ланди. 1924 йилда «Абулфайзхон» трагедиясини ёзади. Асар аштархонийлар сулоласининг Бухоронинг сиёсий ҳаётидан кетиши ва манғит амирларининг салтанат тепасига келиши – Бухоро тарихидаги икки ҳукмрон сулоладан бирининг инқирозга юз тутиши, иккинчисининг эса тарих саҳнасига чиқиши мавзуига бағишиланган. Абулфайзхон аштархонийларнинг Бухорони идора қилган сўнгги вакили бўлиб, Шекспирнинг «Генрих IV» сингари тарихий хроникаларидаги ўта шафқатсиз қиролларни эслатади. Бундай қироллар раиятга ҳам, ўзидан аввалги подшо ва амирларга нисбатан ҳам қандай шафқатсиз бўлган бўлсалар, ўzlари ҳам шундай шафқатсизликнинг курбони бўлганлар.

У шу даврда яна «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924) шеърий драмаси, «Қиёмат» (1923) хаёлий ҳикояси ва «Бедил. Бир мажлисада» (1923) фалсафий очеркини яратди. Сўнгги икки асар «Абулфайзхон» билан бирга Миллатлар ишлари комиссарлиги қошидаги Марказий Шарқ нашриёти (1924 йилдан «СССР халқларининг марказий нашриёти») томонидан нашр этилган.

Фитрат 1924 йил охири – 1925 йил бошлирида, Ҳамид Олимжон таъбирича, «миллий-мулкий чегаралаш, ер-сув ислоҳоти замонида» Москвадан қайтади.

Фитрат Москвадан қайтиб келгани-

дан сўнг, Самарқанддаги педагогика академияси, Бухородаги ўқитувчилар институти, Тошкентдаги Ўзбекистон давлат илмий-тадқиқот институти, Маданий қурилиш илмий-тадқиқот институти (Тил ва адабиёт институти) каби ўқув юртлари ва илмий муассасаларда профессор лавозимида хизмат қилди. У асосий вақтини педагогик фаолият ва илмий-тадқиқот ишларига бағишилади. У шу йилларда адабиётшунослик («Адабиёт қоидалари», 1926; «Энг эски турк адабиёти намуналари», 1927; «Ўзбек адабиёти намуналари», 1-жилд, 1928; «Форс шоири Умар Ҳайём», 1929; «Аруз ҳакида», 1936), тилшунослик («Сарф», 1922, 1925–1927; «Наҳв», 1925–1927, 1930) ва санъат («Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи», 1927) масалаларига бағишиланган китобларни, шунингдек, ўзбек, тожик ва рус тилларидаги ўнлаб мақолаларини чоп этди Ҳолбуки, Фитрат бизга маълум бўлган бу асарлардан, шунингдек, бизгача етиб келмаган «Бегижон», «Улугбек», «Темур сағанаси», «Ўғузхон», «Або Муслим Хуросоний» пьесалари, «Тўлқин» опера либреттосидан ташқари, американлик олим Э. Оллворт берган маълумотга кўра, «Учқун» (1921) шеърлар тўпламини, «Энг эски мўғул тили лугати» (санаси номаълум), «Ўзбек адабиётига оид қироат китоби» (1928), «Қадимги турк адабиёти изланишлари» (1930), Маҳмуд

Қошгарийнинг «Девону луготит турк» (санаси номаълум), «Форс адабиётининг тарихи» (1935) китобларини нашрга тайёрлаган.

У «Қиёмат» (1923) хаёлий хикоясидан кейин «Меърож», «Захронинг имони», «Зайд ва Зайнаб», «Оқ мозор» (1928) сингари хикояларини ёзди. Унинг «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924) шеърий драмаси ва «Рўзалар» (1930) «икки пардалик бир томоша асарча»си ҳам шу мавзунинг муайян қирраларини ёритишга бағишиланган эди. Ўз ватанининг Шарқ ва Фарбаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишини истаган адиб назарида, сохта диний ақидаларни халқ онгидан ситиб чиқармай туриб, бу улуғ мақсадга эришиш мумкин эмас эди.

Фитрат ўзбек халқининг XX асрда етишиб чиққан буюк қомусий билим сохиби эди. У биз учун, биринчи навбатда, олим, шоир, носир, драматург, публицистdir. У бадиий ижоднинг шу соҳаларида яратган асарлари билан XX аср ўзбек адабиёти, шу жумладан, янги ўзбек шеър тузилишининг шаклланишига улкан ҳисса қўшди. У ўтган аср бошлирида Туркияда таҳсил кўрганига қарамай, Ватанига қайтиб келгач, айниқса, «Чигатой гурунги»га раҳбарлик қилган чоғларидан бошлаб миллий тараққиётнинг «ўзбекча» модели учун изчил кураш олиб борди. Фитратнинг юрт қайғуси билан тўйинган шеъ-

рий ва насрый асарлари, мустамлакачиликка асосланган мустабид давлат тузумини фош этувчи драмалари унинг эрк ва хуррият учун, мустақиллик учун мардона курашган адиб бўлганини тўла тасдиқлайди.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

НАЖОТ ЙҮЛИ

(Рахбари најжом)

Хаёт нима?

Мутакаллимлар (калом) мазҳаби³⁷га қараганда, хаёт ҳис ва ҳаракатни талаб қилувчи сифатдир. Қадимги ҳукамо фикрига биноан: хаёт, бу – мизожга тобеъ, ҳис ва идрокнинг навъи ва табиатидир.

Асеримиз ҳукамолари ҳам айтадиларки, коинот ҳаётдан иборат. Ҳеч бир нарса йўқки, унда ҳаётдан бир асари бўлмаса. Аммо мутакаллимлар мазҳабида бўлгандар қадимги ҳукамолар қайси бир жисмда ҳис ва ҳаракат бўлса, унда ҳаёт ҳам бўлади, қайси бир жисмда шу иккаласи бўлмаса ҳаёт ҳам бўлмайди, деб айтадилар. Аслида ҳис ва ҳаракати бор нарсани «тирик» дейдилар. Лекин бу ҳаёт маҳлуқий ҳаёт деб аталади. Инсон ҳам аксар маҳлуқлар билан шу маънода бир хил, фарқ қилмайди. Лекин биз инсон ҳаёти ва аксар маҳлуқларнинг ўртасида катта фарқ борлигини мушоҳада қиласа эканмиз, қуйидаги фикрларга келамиз:

Агарда ҳозирги ўтаётган ҳаётимиз устидан мушоҳада қилсақ, жавоб ҳам осон бўлар эди. Лекин ҳаёт маънавий бир соҳадир, уни

кўриб ва кузатиб бўлмайди. Шунинг учун бу фарқлар сабабини инсоният тарихи ва ўтмишидан қидирамиз. Башарият олами ибтидоидан бошлаб ҳозирги шаклда эдими? Яъни, бани Одам ҳозиргидек шаҳарлар, қальялар, мадрасалар, шунча илму санъат ва салтанатлари билан оламга келганмикан? Ҳеч қачон! Бечора ибтидоий одам кучсиз, заиф бир маҳлуқ эди. Баъзан совуқдан титраса, баъзан қуёш нурида қоврилиб, яшин ва чақмоқдан, ёмғир ва қордан, зулмат ва ваҳший маҳлуқлар ҳамлаларидан кечаю кундуз кўркиб, жони ҳалқумига келар эди. Бунинг устига, соатма-соат очлик ва чанқоқликдан қийналар эди. Иссик-совуқдан муҳофаза қиласидан бир чодири ё чайласи, коронгуда ёритувчи бир чироқ, ваҳшийлар хужумидан муҳофаза этадиган қуроли ҳам йўқ эди. Хулоса шуки, одам ҳалиқ бўлишининг ибтидосида заиф ва мискин жондорлардан бири эди. Бошқа маҳлуқлар кучли чантал ва тишлари ёрдамида манфаатларини таъмин этиб, зарарларини даф қиласидилар. Одам эса шунга ҳам қодир эмас эди.

Ажабо, ҳазрати Холиқи ҳаким инсонни шунчалик ожиз яратиб, бу бечорага ҳам бирор-бир қурол, аслача ҳам берганмикан, тики у орқали ўзини химоя этиб, яшashi мумкин бўлса? Албатта, берган. Аллоҳ инсонга энг буюк ва энг қиммат қуролни бер-

ган. Инсон шу орқали оламни мағлуб қилиб шикастлаши мумкин. Бу қурол нимадан иборат? У АҚЛдир. Одамзод чорасизлигидан танг қолиб, ақлини ишлатишга мажбур бўлди, унинг соясида аста-секин манфаатларни қўлга киритиб, кўрган заарларини даф қилди: уй курди, табиат оғатларидан кутулди. Қурол ясадб, даррандалар хужумидан озод бўлди. Фақат шулар билан чегараланмай, бора-бора яшину момақалдироқ, сув ва оловдан нажот топиб, уларни олимона панжаси билан тасхир³⁸ этди. Агар биз башариятнинг аввалги ожиз даври билан бунгига куч-кудратини солиштирасак, бу фарқнинг улканлигидан ларзага тушамиз ва инсоният оламининг ўзгаришини инкор этиш маҳол бўлади.

Инсоният оламидаги бу ўзгаришлар тараққиётмиди ё таназзул? Яъни, инсоният олдинга ҳаракат қилибдими ёки орқага? Албатта, олдинга ҳаракат қилган ва ҳозирги кунгача бирор жойда таваққуф³⁹ қилмаган. Масалан, анча йиллар олдин оташарава (поезд)ни биз нақлиётнинг охирги воситаси, деб ўйлар эдик. Бироз ўтмасдан инсон илмининг кучи билан тайёрани ихтиро қилди ва ўйлаган ақидамизни инкор этди. Бас, маълум бўладики, бани Одам ибтидодан то ҳозирги кунгача тараққий қилиб келган ва тараққий қилади ҳам. Шундай қилиб, одамда

ҳаёт ғояси бор экан, яъни ҳазрати Холиқи ҳаким инсонлар учун бир баланд мартабани ва бир аъло манзилни кўрсатган экан, инсон ҳам унга қараб ҳаракат қиласи, тараққий этади. Ажабо, бу ҳаёт ғояси, яъни бу аъло манзил нима экан? Бу савол жавобини шу муқаддимадан билса бўлади. Бу муддаони билиш учун тасдиқ назаримизни яна башарият тарихига ташлаймиз. Лекин бу дафъя бошқача усулда муҳокама қиласиз.

* * *

Мамлакатимизда икки гурух баҳтсиз одамлар борки, ҳаракатлари танқид ва танбехга сазовордир. Биринчи гурух ҳаётларининг мақсадлари деб еб-ичишни биладилар, улар бир луқма таом ва ётадиган жой учун инсоний вазифаларини эсларидан чиқарадилар, бирон-бир иш ҳақида ўйламайдилар ҳам. Кечаси эрта учун қоринларининг ғамини, кундузи эса ётиш тӯшаклари ғамида бўладилар. Хулоса қилиб айтганда, улар бу дунё осойишталигини ўйлаб, бошқа нарса билан ишлари йўқдир. Аллоҳнинг ўзи сақласин, бу пасткаш жамоа ўзларини инсонийликнинг баланд мартабасидан маҳлуқийлик даражасига туширадилар. Бу жамоанинг асли жойи инсонлар ичидаги эмас. Бу жамоа жамиятга кўп зарар етказади. Худованд уларни охират саодатидан маҳрум қилган.

«Баъзи одамлар Аллоҳ таборак ва таолодан бу дунёни талаб қиласидилар. Уларга охират саодати насиб қилмайди»⁴⁵.

Иккинчи гурӯҳ шундай жамоаки, ҳаёт ғасини фақат охират саодати деб биладилар, бу дунё саодатига эришиш учун ҳеч ҳаракат қилмайдилар, балки бу дунё саодатини коғирларга хос деб биладилар, бошқача қилиб айтганда, дунёни коғирлар жаннатию, мусулмонлар дўзахи деб биладилар. Булар ҳам инсонийлик вазифасини, башарият яратилишининг ҳикматини идрок қилмаганлар, уларнинг фикри ҳам илоҳий ҳукмга тўғри келмайди. Икки дунё саодатини талаб қилган инсонгина комил мусулмондир. Худованди ҳаким ҳам икки дунё саодатини талаб қилганларни мадҳ этиб, «Бақара» сурасида буюрган: «Баъзи одамлар, эй Худо мени дунё ва охират саодатига етказиб, дўзах азобидан нажот бергин, деб дуо қиласидилар. Бу одамлар ўз касбларига яраша, яъни амалига мувофиқ насиба оладилар, Худо сарий ул-хисобдир»⁴⁶. Бу ояти каримада баъзи дақиқ ишоралар ва нозик нуқталар мавжудки, уларнинг зикри фойдадан холи эмасдир. Масалан, Худованди карим шу оятда жамоани дуо қилиб «ни маики талаб қиссалар топадилар» демасдан, балки «ўзларининг саъй-ҳаракатлари эвазига топадилар» деган. Шундан маълум бўладики, Аллоҳ олдида мустажоб бўладиган

дуо биз туркистонлиларнинг дуоларига ҳеч ўхшамайди. Негаки, биз кечаю кундуз вақтимизни беҳуда ишларга сарфлаймиз. Баъд⁴⁷, фалон масжид ёки фалон мозорга бориб, мақсадимизни Худодан сўраймиз-да, яна чиқиб бемаъни ва нолойиқ ишларимиз билан машғул бўламиз, мақсадимизга етиш учун ўзимиз саъй-ҳаракат қилмаймиз. Бироннинг бирон-бир мақсади бўлса, энг аввал химмат камарини белига маҳкам бойлаб, мақсадига етишиш учун саъй-ҳаракат қилиб, кейин дуо қилса, дуоси ижобат бўлади. Бу ерда баъзи муҳтарам ўқувчиларимиз айтишлари мумкинки, агар биз мақсадимиз ҳосил бўлиши учун саъй-ҳаракат қиссан, унда дуо ҳам керак бўлмай қолади. Балки саъй-ҳаракатларимиз соясида ўша мақсадимизга етамиз. Уларга жавобим шуки, сизлар масъалани нотўғри тушунибсизлар. Кўпчилик мақсадларига етишиш учун ниҳоятда кўп ҳаракат қиласидилар, бироқ мақсадларига эришолмайдилар. Саъй-ҳаракатлари натижасиз қолади. Шунда саъй-ҳаракатимиз фойдасиз ва зое кетмаслиги учун дуои хайр лозим.

Масъалани бир мисол билан шарҳлайман. Фалон бир дехқоннинг икки таноб ери бор. Яхши ҳосил олишни у жуда хоҳлади. Агарда бу киши баҳордан хўқизлари, кўш, омоч, уруғ ва бошқа асбобларини экишга тайёр этмай, фалон бир масжиднинг бур-

чагида ётиб: «Эй Худо, шу еримдан эллик ман⁴⁸ буғдой ҳосил бергин», – деса ҳам бу дуо қабул бўлмайди, яъни еридан ўзидан-ўзи буғдой кўкариб чиқмайди. Лекин экин асбоб-анжомларини тайёр қилиб, ерни яхши ҳайдаб, уругни экса ҳам, сиз ўйламангки, дехқоннинг иши шу билан тамом бўлди, энди у, албатта, яхши ҳосил етиштириб олади деб. Бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, сел келиб мазкур ерни бузиши ёки чигиртка келиб кўкарган буғдойини еб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун дехқон самодан келадиган бало ва офатларнинг олдини олиш учун дуо қилади. Ҳазрати Воҳиб ал-атоё⁴⁹ унинг дуосини қабул қилиши ҳам мумкинdir.

Яна бир мисол келтираман. Фалон ёш йигит катта олим бўлишни орзу қилади, истеъододли, қобилияти ҳам камолига етган. Агарда шу йигит мадрасага бормаса, пул сарфлаб китоб олмаса, меҳнат қилмаса, мударрислардан дарс олмаса, балки фалон мозорнинг бир чеккасида чин дилидан нола чекиб, Худо даргоҳидан илми ладуний⁵⁰ни талаб қилса ҳам, дуоси қабул бўлмайди, ўлимигача у жоҳил ва нодон бўлиб қолади. Аммо, китоб олиб, мадрасага бориб, дарс ўқиса ҳам уни катта олим бўлишига ҳали ишонманг. Мумкинки, у касал бўлиб ёки нафс ҳавасларига учиб, илм олиш

йўлидан тойиб кетиб, охиригача жоҳил қолса. Агар бу йигит ғайбдан келадиган офатларни бартараф қилиш учун дуо қиласа, дуоси ижобат бўлиши мумкин. Ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.) ҳам шундай дуо қилар эдилар. Бадр урушида ул зот қурол-аслаҳани тайёрлаб, кўшин тортиб, кофирлар билан рўбарў келиб, жанг қилди, сўнгра ғалаба учун дуо қилди. Мазкур ояти кариманинг маъноси ҳам шундадир. Худованди карим шу оятнинг охирида буюрган. Яъни, «...Худо дуо қиладиганларнинг ишлари ва феълларига ҳамиша назар қилади ва уларнинг ҳеч бир амаллари унинг назаридан четда қолмайди. Агарда улар дуоларига муовофик амал қилсалар, яъни мақсадларига етиш учун қаттиқ ҳаракат қилсалар дуолари қабул бўлади, бўлмаса қабул бўлмайди». Бу оятнинг ҳар бир сўзида, балки Қуръони кариманинг ҳар бир оятларида шундай олий сирлар ва буюк ҳикматлар мавжудки, ўқувчиларни ўзига шайдо қилади. Лекин уларнинг барчасини баён этишга имконимиз етмайди. Шунинг учун ҳам юқоридагилар билан кифояланиб, Қуръони карим сир-асорини биладиганларга мурожаат қиласман, бехуда сўзларни қўйиб, тезроқ Қуръони карим мутолааси билан машғул бўлинглар!

* * *

Дикқат қилсангиз, ҳазрат Парвардигор ҳидоят ва нажотни уч ҳолат эгаларига хос қилибдики, бири садақа ва закот берувчилардир. Маълумки, закот ва садақа бериш бойлик ва қудратнинг нишонасидир. Айтинглар-чи, қайси бир дин эргашувчиларини бой бўлишга даъват этади. Дунёни охират учун ва охиратни бу дунё учун тарк этувчиларнинг фикрларини хато эканини кўрсатиш учун «Ал-Жомеъ ас-сағир»даги мана шу ҳадиси шариф кифоя қиласди: «Сизлардан яхшиларингиз охиратини бу дунё учун тарк қилмаган ва бу дунёни охират учун тарк қилмай, оғирлигини бошқаларнинг устига ташламайдиганидир».

Энди бу иккала жамоа: бири дунёпастлар ва бирлари охиратпастларга даъволаримизни маълум қилганимиздан сўнг, яна бир жамоани ҳам эсдан чиқаришимиз одобдан бўлмайди. Бу жамоа ҳам миллатимиз ўртасида катта мавқега эга. Бизнинг қолоқ ва баҳтсиз бўлишимизда уларнинг хизматлари каттадир. Бу жамоа дунё ва охират саодатини талаб қиласдилар. Лекин бу мақсадга эришиш учун ҳаракат ҳам қилмайдилар. Улардан шу ҳақда сўрасангиз, ноз-карашма билан «Аллоҳи карим» деб жавоб берадилар. Бу танбаллик ва ҳаракатсизликни улар «таваккал» деб атайдилар. Камбағаллик ва

балолардан азоб чексалар, дарров бирор масжид ёки фалон бир авлиёнинг қабрига бориб, қанча кучлари бўлса, бошларини ерга уриб, дуо қиласдилар. Биз бундай дуонинг ижобат бўлмаслигини юкорида баён қилдик. Шу ўринда бу азизларга «таваккал» сўзининг маъносини ва қабрни зиёрат қилишнинг фойдаларини айтиб ўтмоқчимиз.

Биз, туркистонилар, сустлигимиз, танбаллигимиз, ишбильмаслигимиз, нодонлигимиз, тажрибасизлигимиз, қисқаси, дунёда қанча ношойиста сифатлар бўлса, ҳаммасини «таваккал» деймиз. Шу сабабли буларни савоб ва машруъ⁵⁶ деб қабул қиласмиз. Масалан, бир тожирдан: «Нима учун ўйламасдан паҳтани пўчогини сотиб оласан?», дехқондан: «Баҳор келди, экиш ва иш асбобларинг қани?» ёки бирор косибдан: «Нима учун ҳафтада бир марта дўкон очасан?» ё бир ҳаммолдан: «Нима учун кундуз куни ухлайсан, ахир кечки овқатинг йўқ-ку», – деб сўрасак, ҳаммалари «таваккал Худога» деб жавоб берадилар. Минг афсус, шу жавобларнинг биронтасида ҳам таваккал йўқдир. Буларнинг ҳаммаси нодонлик, танбалликдан бошқа нарса эмас. Таваккал ҳам амал билан биргадир, ҳаракатсиз таваккал ҳам ҳаракатсиз дуога ўхшаб фойда бермайди.

Вазоифи нафсия

Вазоифи нафсия, бу – инсонни мухофаза этиш ва тарақкӣ топиши учун бажарилиши лозим бўлган вазифалардир, яъни инсон ўз нафсини (чунки, бу – одамийлик зарурияти-дир) камол топтириш даражасига етказиши лозим. Нафс камоли бу одамнинг ҳам ўзи-га ва ҳам жинсларига фойда ва нафъ келтиришидир. Агарда нафс солиҳ амалларга улфат ва яқин бўлса-ю, ёмон (қабиҳ) ишлардан нафратланса, шунда нафс камолининг мартабаси ҳосил бўлгай. Дини мубини ислом кўпроқ шу маънинг аҳамият беради. Ҳазрати Парвардигор Қуръони каримда «амали солиҳ»ни иймон билан ёнма-ён зикр этади. Ҳатто аксар муҳаддис олимлар «амали солиҳ»ни иймоннинг бир жузъи, дея эълон қилганлар. Шунинг учун ҳам нафсни камол топтириш даражасига этиш биз мусулмонлар учун нафакат ахлоқ фарзи, балки дин фарзларидан ҳам ҳисобланади. Нафсизни солиҳ амаллар билан улфат бўлиши учун нафсоний кучларимизни ислоҳ этиши-миз лозим, акс ҳолда хеч қачон нафсимиз со-лиҳ амаллар билан улфат ва яқин бўлмайди.

Нафсоний қувват учга бўлинади: 1. Ақ-лий қувват. 2. Шаҳвоний қувват. 3. Ғазаб қуввати. Ақл қувватини ислоҳ этишда шундай ҳикмат борки, унинг фойдаси ҳақни бо-тилдан, қабоҳатни эзгуликдан, манфаатни

заардан фарқ эта билишдир. Шаҳвоний қувватни ислоҳ этиш натижасида иффат-га эришилади. Иффатнинг самараси саломатлик, ақлнинг ўткирлиги, қад-қоматнинг кўркамлиги, яхши амаллар ва ёмонликлардан чекинишида кўринади. Ғазаб қувватини ислоҳ этиш шиҷоатга олиб келади. Шиҷоатнинг фойдаси инсоний шарафни ҳимоя этишда, миллат иззати ва нафс мухофизатида кўринади. Агар инсон ана шу уч қувватни яхшилаб ислоҳ этса, яна бир фазилатга соҳиб бўлади. У эсаadolатдир. Шуларни эътиборга олиб ахлоқ олимлари нафс фазилатини тўртга бўлганлар: 1. Ҳикмат. 2. Иффат. 3. Шиҷоат. 4. Адолат.

Буларни жой-жойларида муфассал арз қиласиз. Аввал ҳикмат ва унинг фойдаси ҳақида сўзлаймиз. Ҳикмат фазилати ақл қувватининг ислоҳи илм ўрганиш билан мумкиндир. Шунинг учун куйида биз ақл ва илм ҳақида муфассал баҳс қиласиз, токи ҳикматнинг қай даражада аҳамиятилиги ўз-ўзидан маълум ва намоён бўлсин.

Тарих илми

Тарих илми ўтган қавмларнинг умумий аҳволини бизларга ибрат ва дастуруламал қилиб нақл ва мухокама этади. Бу илм, аввало, икки қисмдан иборат: 1. Муқаддас

тариҳ. 2. Маданият¹⁴³ тариҳи. *Муқаддас тарих* – анбиёлар ахволи ва ҳазрати Пайғамбаримиз сийрларини бизга тушунтиради. *Жамият тарихи* эса уч қисмга бўлинади: 1. Илм ва адабиёт тариҳи. 2. Табиий тариҳ. 3. Сиёсий тариҳ.

Илм ва адабиёт тарихи олимлар ва шоирлар тоифаларини, илмларнинг турлари, даражаларини ва ўрганиш усусларини текширади.

Табиий тарих махлукотларнинг истеъоду қобилияти ва жонзотларнинг хосиятлари ҳақида маълумот беради.

Сиёсий тарих икки қисмдир: 1. Умумий тариҳ. 2. Ҳусусий-маҳаллий тариҳ. Умумий тарих оламнинг яратилиш вақтидан ҳозиргача дунёда пайдо бўлиб йўқ бўлган давлатлар, ҳалқу миллатлар, уларнинг ҳаёт кечиришлари, тузумлари, йўқолиб кетиш сабаблари ҳақида фикр юритади. Ҳусусий тарих бир давлат ёки ҳалқ тарихининг пайдо бўлиб, инқирозга учраш сабабларини ўрганади.

Жўғрофия

Жўғрофия – ер юзи ва ундаги аҳолининг ахволини ўрганади. Бу илм ҳам жуда қадимдир. Ислом уламолари уни юононлилардан ўргандилар. Кўп олимлар жаҳд ва ҳаракатлар қилиб, бу илмни ислоҳ этиб ривожлантирдилар.

Энди жўғрофия фани бизга керакми-йўқми деган саволга келсак, шуни айтишим ло-

зимки, биринчидан, бир мулк тижоратини ривожлантириш учун бу илмни ўрганишимиз зарур. Иккинчидан, шу нарса маълумки, одамлар тараққиётга мойил бўладилар. Фитрату ақллари тақозоси билан икки дунё саодатига ноил бўлиш учун ҳаракат қиласидилар. Шунинг учун ҳам одамлар аксар ҳалқларнинг тариҳи, ишлари ва ижтимоий қоидаларини билиб, ўзларига ибрат кўзгуси қилиб оладилар, миллатларнинг таназзул ва йўқ бўлишига олиб келган сабаблардан ҳазар қилиб, қайси қавм майдонга келиб, тараққий этган бўлса, шу қавмнинг ривожланиш воситаларини билиб олиб, унинг йўлини танлайдилар.

Табобат илми

Бу илмлар мажмуаси инсон аъзоларининг касалликлари ва уларнинг даволаниши йўлларини бизга тушунтиради ва бир неча қисмга бўлинади:

- 1) Илм ул-амроз (касалликлар ҳақидаги илм);
- 2) Илми муфрадоти адвия (доришунослик илми, дорилар ҳақидаги илм);
- 3) Илми ташрих (инсон аъзоларини ўргатувчи илм, анатомия);
- 4) Илми ансож (жисмоний тарбия илми);
- 5) Илми манофеъ ул-аъзо (инсон аъзоларининг манфаатлари).

Бизда табобатнинг йўқлигидан бечора миллатимизнинг зое бўлиб кетаётгани (турли касалликларга йўликиши) йилдан-йил кўпайиб кетмоқдаки, бу андиша кишини ларзага солади. Минг хил касалликлар орамизда бемалол кўпайиб бормоқда. Жуда кўп ёшларимиз сил ва иситма хужумидан оёқдан йиқилиб, жаҳонни ҳайрон қолдирмоқдалар. Қанчадан-қанча дилкаш гўдаклар шамоллаш ва чечакдан жон бериб, ота-боболарининг юрагини пора-пора қилмоқда. Айниқса, ёз ойларида шаҳарларда ва қишлоқларда даволаниш иштиёқида юрган, иссифини (иситмасини) табибларга очиб кўрсатаётганларнинг қанчаси ширин жонларидан маҳрум бўлмоқдалар.

Маъданлар илми

Маъданларнинг келибчиқиши, навъларива хосиятлари ҳақида баҳс қиласидиган илмидир.

Энди кўрайлик-чи, табиий илмларни ўрганиш бизга лозимми ёки йўқ? Асар(имиз) нинг бошиданоқ доим ва такроран айтиб келяпмизки, «Одамнинг ҳаётий гояси икки дунё саодатига эришишдир». Қайси қавм шундай саодатга эришишни хоҳламаса, маҳлуқлардан фарқи бўлмас. Охират саодатига эришиш учун иймони комил ва солих амал даркор, дунё саодати эса саъй-харакатни талаб қиласи...

Дунё саодатига эришиш учун қандай харакат қилиш лозим? Оврўпа халқларининг

аҳволи бизга ибрат бўладур. Улар ниҳоятда тез тараққий йўлига кириб бардам қадам ташлайдилар; поездлар, тайёralар ишлаб чиқариб, бир ҳафталик йўлни босиб ўтадилар. Телеграфлари орқали ер юзидағи ахборотни бир кечада билиб оладилар. Олдин телеграф учун ҳам сим ва ёғочга муҳтож эдилар. Бугун эса ҳеч қандай сим ва ёғочиз кўзга кўринмайдиган воситалар билан олам аҳволидан хабардор бўладилар. Шундай кашфиётларни ҳам кам деб билиб, янги-янги ихтиrolарга қўл урадилар. Бизни ҳайрат ва таажжубда қолдирмоқдалар. Уларнинг энг кичик бойлари ҳам бизнинг бойларимиздан ўн баробар кўп бойликка эга. Улар орасида шундай давлатдорлар борки, хоҳласалар Бухорони сотиб оладилар. Шунча буюкликларга қарамай улар билан юзма-юз ўтириб: «Сизлар роса тараққий этгансизлар» десангиз, жавоб берадиларки: башарият ҳали гўдаклик давридадир. Бу тараққиётимиз жуда нисбий, инсон қудрати қўп нарсаларга қодир. Олдинги одамлардан бизнинг фарқимиз шуки, улар ўзларини олим ва иқтидорли деб билган. Бизлар эса шунчага тахқик ва тадқиқдан сўнг ўзимизни жоҳил ва ожиз эканлигимизни билдик. Шундай экан, башариятни гўдаклик ва нодонлиқдан куткариш учун ҳаракат қилмоғимиз зарур: Оврўпа халқларининг тараққиёт мартабалари шунчалик.

Ш Е Ъ Р Л А Р

«ЎЗБЕК ЁШ ШОИРЛАРИ» ТҮПЛАМИДАН

КИМ ДЕЯЙ СЕНИ?

Оппогим, худой асрагай сени,
Кўз балосидан сақлағай сени.
Сен жаҳоннинг энг нозанинисен,
Қайгуларга ҳеч солмагай сени.

Қип-қизил гулим, ёп-ёруғ ойим,
Кетмай тур, бироз мен кўрай сени.
Дарди жонимнинг сен давосими?
Мунгли кўнглумнинг подишосими?

Гулми сен, кўзим, жонми сен, кўзим?
Кўнглумнинг бути ё худосими?
Билмадим, гулим, айт ўзинг қулиб,
Ошиқинг нечук атагай сени?

БИРОЗ КУЛ

Кўз ёшларим букун тағин оқадими?
Қизил гулим бошқаларға кулар-да.
Қизил гулим, борлиғимнинг султони!
Жоним, сенинг хаёлингда кучайди.

Юрагимнинг энг қимматли армони,
Нечук менга марҳаматинг озайди?
Икки кўзим, малак юзим, севдигим,
Жонлар сенинг юзгинангдан айлансан.

Қизил гулим, қора кўзим, тилагим,
Дунё сенинг бокишингдан ўргулсан.

Ёлғиз ёрим, юзингга ҳеч боқолмам,
Кўнгил дардин оёғингға тўколмам.
Тупроқ каби йиқилмишам йўлингда
дёя олмам.

Истар эсанг менга келиб гапурма,
ёнимда ҳеч ўтурма.
Ёлғуз йиғлаб узоқдан турғанимни
Кўрганингда, марҳамат эт, бироз кул!

АЧЧИҒЛАНМА ДЕГАН ЭДИНГ

Умидсизлиқ ханжари билан яраланган
бир юракнинг энг сўнгги армуғони

Эрка малак, аччиғланмам сенга,
Учирсанг-да кўкка юрак кулин.
Аччиғланмам сенга, нозли қуёш,
Ёндиранг-да умидимнинг гулин.
Борсун, ёнсун умидимнинг гули,
Кўкка учсун юрагимнинг кули,
Сўлсун руҳим, борлиғим-да битсун.
Ўқсиз кўзнинг ёши каби ишқим
Тупроқ узра тўкулсан-да кетсун.

Тилакларим, армонларим, шеърим.
Күмисунлар, керакмаслар менга,
«Хаёт» деган қопқон борсун,
Парчалансун, битсун, йўқолсун.
Бироқ, сен... ким, хаёлингға руҳим
Толпинадур – яша, бор бўл, туташ.

МИРРИХ ЮЛДУЗИГА

Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли туvgани!
Нега биздан қочиб мунча узоқларға тушибсан,
Тувганингга нечун сира гапурмасдан
турибсан?
Сўйла, юлдуз, ҳолинг надир? Нечук топдинг
дунёни?
Бизнинг ерда бўлиб турған тубанликлар,
хўрликлар,
Сўйла, юлдуз, сенинг дағи қучоғингда
бўлурми?

* * *

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.
Ўртоқ қонин қонмай ичкан зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қоплонлар?
Борми сенда, ўксуз йўқсулнинг қонин –
Гурунглашиб, чогир каби ичканлар?
Борми сенда бутун дунё тузугин
Ўз қопчиғин тўлдирғали бузғанлар.

Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатғучи хоқонлар.
Борми сенда қорин-қурсоқ йўлида
Элин, юртинг, борин-йўғин сотқонлар?

ОВУНЧОК

Мирмуҳсинга бағишладим*

Тўсиб турган ойдинликнинг йўлини
Шу қоп-қора, эски, титрак булутлар,
Кучли бир ел кўргач, турмас, йиртилар,
Умид қуни сенинг учун ҳам тугар.
Қайғурмагил сира, эй ҳақ туйгуси!
Букун сен
Эзиласан билимсизлиқдан ортиқ.
Шу қоронғу, юракларни (нг) бутунлай
Сўкиш, қарғиши, лаънат аралаш бўғиқ
Товушлари сенга тўғри юксалган.
Қувиласен бу сезгусиз ўлқадан.

* * *

Кимсасизлик пучмоғида ёлгузча,
Ўгай она таёғи-ла сурилган,
Йўқсул, ўксуз қизлардай
Инграб, инглаб, оқиб турған бир сойнинг
Қирғоғида ўскан ўксуз бир оғоч
Кўргач, шунинг кўлкасига сигинарсан...
Бироқ, ишон – шу ҳолларнинг барчаси
Эрта-индин бутун-бутун йўқолар.

Олдимизни тўсган булат парчаси
Кучли бир ел кўргач турмас, йиртилар.
Умид гули бизим учун ҳам туғар:
Қайғурмагил, сира, эй ҳақ туйғуси!

ИШҚИМНИНГ ТАРИХИ

(...га)

Кўб кунлар сендан узокда мен ёлғиз ўртана
қолдим
Ёғдиридим икки кўзимдан ёмғурдек қонли
оловлар.
Ёнмишди кўнглим ўти-ла тек сендан ўзга
тиловлар,
Ишқингнинг қайғуларини жон янглиф
бағрима солдим...
Лекин сен, эй, юрагимнинг бирдан-бир
севгили ёри,
Кўркамлик боғчаларингда сезмасдан
қайғуларимни
булбулдек сайраб учардинг
Кўкларнинг хонига ўхшаб, кимларнинг
ўртанганини
Билмасдан ердагиларнинг дунёсин нақ
ёритардинг.
Қолдиқча бўйла хабарсиз ишқимдан, жон
чечагим, сен
Кўнглимнинг туйғулари-ла шоирлик
сезгуларимни

Бу йўлдан ўтга солардинг,
Бир кўлдан ерга ураддинг
Ҳам йўқ этардинг фикримнинг тўплаганини.
Тун-кунлар йиғлаганимнинг асири
бўлса керакким,
Сен энг сўнг менга ёндашдинг, рухимни
ўйната қўйдинг.
Чексиз бир тонг чироғи-ла сургунлаб
кечаларимни,
Юлдузли йўлларни бирдан шеъримнинг
олдига очдинг...

ЯНА ЁНДИМ

Юрагимнинг қалин, қизгин олови-ла қайнаған
Кўз ёшларим! Қайдасиз?!
Куним каби узун, қора шу кечада кутиб мен
Эришмадим сира сизга... Нега бўйла қочасиз?
Нечун мени сабабсизча унутдингиз – айтингиз?
Ўтинамен... ялинамен, қочмангиз – қайтингиз!
Яна бутун борлиғимнинг негизлари емирилди,
Умидимнинг кўп чидамли тераклари йиқилди,
Хаёлимнинг тотли, чучук соатлари бутунлай
Узоқлашиб кетди мендан..! Тўсиб турар
йўлимни
Умидсизлик қайғулари тонги отмас бир тундай,
Ўлим даҳи кутқарғали келиб тутмас қўлимни.
Кеча унинг нур тенгизи бўлған гўзал манглайи
Толғаланмиш кўргач мен...

Ер юзида борлигимни кўрсатмақдан уялдим.
Ютдим бутун қайгуларнинг, мотамларнинг
оғусин.

Жон тортғуси бўлган кўзи оғир, нозли
сузиларди,
Бироз бурун чоғир ичкан париларға ўхшарди.
Билмам нечун ўйларди...!
Каъба узра айланғувчи қўгарчиндек* юрагим,
Соатларча шул кўзларнинг теграсида айланди.
Бироқ у.
Менга сира боқмади.
Йиғладим,
Кулдим,
Ялиндим –
Тушундим:
Биртаси ҳам мижозига ёқмади.
Йиғла, бироз ўксузланган тилагим:
Мен ҳам сендей баҳтсизликка тутундим,
Умидсизлик ора тушиб йўқсул жоним ўрганди.

НЕГА БЎЙЛА?

Сен келгач...
Шеърим учун
Қизил гуллар тўшалган,
Юлдузлар-ла безалган
Энг кенг бир йўл очилди.

Сен келгач,
Кўнглумни

Қайгулар-ла, мотамлар-ла ўранган
Қора қалин пардалари
Йиртилди.

Сен келгач,
Хаёлим
Умид, армон чечаклари очилган
Учмоҳ каби боғчаларда булбулдек
Сайраб юрди.

Бироқ сен
Ишқингдан
Кеча-кундуз ёниб турган кўнглумнинг
Дардини
Ҳеч сезмасдан кула-кула турар-да,
Ёнар бутун борлигим... нега бўйла?!

ШОИР

Букун йиғлаб ўтиришдим, сен келдинг,
Бир шоирнинг бир «сўзи»ни сўзладинг,
Мен у сўзнинг руҳингдаги изларин
Сенинг гўзал кўзларингда ўқидим.
Ўқидуқча, у издан
Ўзим учун кўб умидлар тўқидим.
– Умидсизча яшай олмам, нетайнин.
Эмиш... Шоир севгилисига ёзған
Бир ёзувда қайгуларини тўқмиш,
Сўзларининг энг охирида ондан.
Рухи учун бироз кўмак истамиш.

Биласанми? Шоир ишқнинг энг нозли,
Эрка, инжик ёғдусидир, туролмас
Маъшуқидан кўрмаганча кулушли,
Марҳаматли, чин сезгули бир кўмак,
Мана шудир унинг учун бор тилак.

Шоир

Табиатдан сирли, теран маънолар,
Тириклик-чун очик, тўғри, чин йўллар
Излар – топар, ўзи учун сақламас.

Унларни

Ёз гулининг япроғидан тўкилган
«Сўз»лар илан ўраб бизга топширад.

Шоир

Ишқ боғининг тентак, сингирли, ёнган,
Булбулидир. Башарият дунёсин
Кичик, нозли қаноти узра кўяр,
Кўклар сари юксалткали талпинар.
Мана шунинг ўқсуз, йўқсул кўнглуни
Кўттармак-чун, гўзалларга тегишдир.
Ким озгина қарағайлар, кулгайлар
Инграб турган жонини
Кўллағайлар, бироз кўмак эткайлар.

БЕҲБУДИЙНИНГ САҒАНАСИН ИЗЛАДИМ

Чўкмишди ер узра олам тўсуғи,
Ўқсузлик бойқуши қанот қоқарди.
Ботувда қизариб турган булутдан

Эзилған кўнглима мотам ёғарди.
Хақсизлик шаҳрининг қон ҳидли ели
Армоним гулидан бир япроқ узуб,
Баҳорсиз чўлларга совуриб қўйди.
Ул нозли япроғим сўлиб, сарғайиб,
Йўқсул қолғанлардай ҳарён югурди.
Золимлар, мазлумлар, зулумларнинг-да,
Қайғулар, аламлар, ўлумларнинг-да
Барига учради, барчасин кўрди,
Ўз йўқотқонин излади, сўрди.
Бир дарак топмағач, бирдан бир тикилди.
Бор кучин тўплади.
Золимнинг тахтини титратган бир товуш
Қичқирди:
– Отамниг қабрини қай ерга ёшурдинг?!
Бот сўйла!..
Кирли тож кўб қўрқди ботур товшидан,
Сесканиб, титраб... ёшрунди
Бир жавоб бермасдан.

ПАРЧА

Ур, ур!.. Сенинг тирноқларинг нозли,
нозли урдиқча*,
Юрагимнинг битиб қолган яралари очилсун!
Чолғи қили сенинг нозли тирноғинг-ла
титаркан,
Умидимни қоплаб турган қора булут
йиртилсун!

ҮГҮТ

Оғир йигит, сенинг гүзал, нурли қўзингда
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўкудим.
Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзунгда
Бу юрт учун кутулишнинг борлигин кўрдим.

Турма – югур, тинма – тириш, букилма –
юксал,
Хуркма – кириш, кўркма – ёпиш, йўрилма* –
қўзғал.
Ел йўлини тўсиб турган эски булутларни
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт.
Қилолмасанг шу ишларни,
Сенинг учун хўрлиқдир бу...
Йиқил, йўқол, кет!

ШАРҚ

Қардошларим, мана сизга бир ўлка
Ким, топилмас ер юзида сингари.
Ҳар ёнида кенг, ям-яшил учмохлар
Жон сувиндан етишкандир гуллари...
Оғочлари яшил кийимлар кийган
Эврилишар топингали тангрига.

Оғир, юксак, кўркам, ҳайбатли тоғлар
Ўнгдан,
Сўлдан...
Ҳар ёндан

Ҳақ йўлида урушгучи аскардек,
Ясов тортиб, кўкрак кериб юксалган
Кўкдан дахи ўз ҳаққини истардек.

Тенгизлардан қанот очиб табиат
Кучоқламиш бу севгили ёвдусин.
Тангри дахи муздан, сувдан ҳам тоғдан
Қуршатмишдир қўрғон қилиб теграсин –
Ким, ёввойи бир ҳайвон
Суқуб қолмасун мунга
Йиртқич тишин, тирноғин.

Бунда турди ҳар улуснинг ҳар саси,
Бутхонаси, ўт уяси, Каъбаси,
Ҳам мунда ўқ яшади.
Бироқ бу кун, эсизларким, бу ўлка
Ҳар томондан таланмишдир йўлсизча,
Маданият деган ғарбли олбости,
Боқинг, бунинг кўкрагидан ўқ босди.

Қуш боқишиш-ла қарангиз,
Бунда бу кун нелар бор:
Ўтлар аро ёниб турган қишлоқлар,
Хирмон бўлиб ётган гавдалар жонсиз,
Оқмокдадир қизил қондан ариқлар,
Тинч турғанлар таланадир омонсиз.
Тўрт-беш яшар бир боланинг бошини,
Боқинг, кескин қилич билан кесмишлар,
Йиғлаб турған онасининг бўйнига

Бир ип билан осмишлар!...
Янгиана келин бўлган бир қизнинг
Кўкрагини эри бўлган йигитнинг
Жонсиз ётган гавдаси узра қўйуб
Найза билан тешмишлар!...
Хотинларнинг пардаси,
Болаларнинг юраги,
Қариларнинг гавдаси,
Йиртилган,
Ёрилган,
Эзилган!..

Ким берган,
Бу ўғурли* ўлкага бунча ўтни?
Ким тўккан
Бу мукаддас ишга бунча қонни?!
Билмайсизми?!

ЎҚИТҒУВЧИЛАР ЮРТИГА

Орқадошлар, тўпланайлик жаҳлнинг уйин
йиққали,
Эл кўзин олған қоронғу пардаларни йиртқали.
Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари,
Тўпланайлик, турк элиға тўғри йўллар очқали.

Эллари маҳвдан қутқаран илм эрур,
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур.

Биз эрурмиз элнинг инсонлик қонин
қайнатгучи,
Турк арслонин ўринсиз уйқудан уйғотгучи.
Маърифат байроби остиға йигилдик барчамиз –
Ким, бизи отганлара ҳақ йўлларин кўрсаткучи...

Эллари маҳвдан қутқаран илм эрур,
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур.

Ҳайданг, ўртоқ, қутқарайлик жаҳлдан
Туронлари,
Ёрутайлик маърифат нури-ла Туркистонлари,
Илм ўчогида етишкан эр-йигитлар, тўпланинг!
Қочирайлик жаҳл урдусин*, очайлик онглари...

Эллари маҳвдан қутқаран илм эрур,
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур.

«ЮРТ ҚАЙФУСИ» ШЕЪРЛАР ТУРКУМИ

ЮРТ ҚАЙФУСИ

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?
Номусми, виждон била имонми керакдир?
Темурбила Чингиз қонитошдитомиримиздан,
Айтгил! Сени қутқармоқ учун қонми
керақдир?

Ёв сүкғали келгач қиличини юрагингга,
Туш олдига, ол қўксуми – қалқонми керакдир?
Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила
қолди,

Турон ёвини қувғали тўфонми керакдир?
Турон, йигитинг, барчага боқ, қалқди оёқға,
Юртда қоровул қўйғали арслонми керакдир?

ЮРТ ҚАЙФУСИ

(Сочма)

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук
кунларга қолдинг?

Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғуз-
ларнинг*, Отиллаларнинг** шонли бешиклар!
Қани у чиқдифинг юксак ўринлар? Қул-
лик чуқурларига недан тушдинг?!

Дунёни «урҳо»лари билан титраткан йўл-
барс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини

кўкларга учиратурған тоғ гавдали ўғлонла-
ринг қани? Нечун товушлари чиқмайдир?

Ер юзининг бир неча полvonлари бўлган
ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар?
Нечун кетдилар? Кураш майдонларини ўзга-
ларга нечун кўйдилар? Нечун... Нечун... не-
чун..? Гапур менга, эй Улуғ Турон, арслонлар
ўлкаси! Сенга не бўлди??

Ер юзининг буюк салтанатларини сен
курмадингми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг,
Оврўпанинг улуғ хоқонларини сен юборма-
дингми? Эй хоқонлар ўчоги! Эй қаҳрамон-
лар туғойи!*** Қани у чақмок чақиши бо-
тири хоқонла-ринг? Қани аввалғи ўқ юрушли,
отли бекларинг? Нечун «урҳо»ларинг эши-
тилмайдир?

Дунё ҳалқини бўйсундирган салтанатла-
ринг нечун бузилди? Инсонлик оламини қанот-
лари остига олған хоқонлиғнинг нечун кучи
ўлди? Кучингми кетди? Кимсасизми қолди?

Йўқ... йўқ... Тангри ҳаққи учун йўқ!.. Сен
кучизсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан! Бугун
ер юзида саксон миляун**** болант бор. Бу-
ларнинг томирларидағи қон чингизларнинг,
темурларнинг қонидир. Буларнинг кучлари
сенинг кучингдир!

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтана-
тинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг
хаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдир.

Ёлғиз... Ох, ёлғиз... тарқалмишдир.

ЮРТ ҚАЙГУСИ

(бир ўзбек тилидан)

Ётсам тушумда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсан миямда, кўз очсан қаршумда мунгли бир хаёл келиб турадур! Бу бир хотун хаёли... Бир хотунки, эгнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлакдан бошқа бир кийими йўқ. Бош-аёғлари яланғоч, тирсакларигача қоп-қора лойқадан ботған, бақиурға товуши, кутилурға кучи қолмаған!..

Қарайман: кимсасизлик юкиндан ориғланган танда золимона урулған қамчиларнинг яраси бор. Кўраман: жоҳилона қилинган эмлардан носулға* қайтған яралариндан қонлар оқиб турадур!..

Эй мунгли хотун, сен кимсан?

Эй ғамли опа, нечук мундан айрилмайсан?

Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан?

Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолған кўзларинг, у ёш ёмғурларин нечун тўқадир? Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладир, нима тилайсан?..

Оҳ... Билдим... билдим... Англадим!

Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан.

Эй муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмайтур, айрилма.

Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждо-нимда қол, кетма.

Туроним, сендан айрилмоқ – менинг учун ўлимим.

Сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдир.

Паноҳим, саждагоҳим, умидим!

Ёвларинг сени шу кунгами солдилар?

Тилагим, истагим, саодатим!

Болаларинг сени шу ҳолдами қўйдилар?

Суйунчим, овунчогим, ўчогим!

Золимлар сени кимсасизми кўрдилар?

Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, бутун борлигим билан сенга кўмак қилурға ҳозир. Мана мен чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурга рози.

Қоф тоғлари йўлимда тушса,

Тамуғ** оловлари қаршумдан чиқса,

яна сен сари кетарман.

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар кўшини келса,

Оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса,***

яна сен сари кетарман.

Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкулса,

Зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса,

яна сени қутқарарман.

Мен сенинг учун тирилдим,
Сенинг учун яшарман,
Сенинг учун ўлурман.
Эй туркликнинг муқаддас ўчоги!
Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга,
Нафрат сени кўмгани келганларга!

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

(Темур олдинда)

Бағрим ёник, юзим қора, кўнглим синик,
бўйним букук.

Сенинг зиёратингга келдим, султоним!

Эзилган бошим, қисилган виждоним,
куйган қоним, ўртанган жоним учун бу сага-
нангдан даво излаб келдим, хоқоним!

Юз йиллардан бери жафо кўруб, ғам че-
киб келган туркнинг қонли кўз ёшларин эта-
кларингга тўкарга келдим.

Коронгуликлар ичра ёғдусиз қолган ўз-
бек кўзлари учун тупроғингдан сурма олғали
келдим.

Номусини бад кишиларнинг аёғлари
остинда кўриб турклик қони қайнағай, мұ-
сулмонлик ҳамияти тошғай, тамуғ оловлари
каби сочрагай.

Лекин ўз кучсизлигин англаб қайтиб
ўтирган ва қон йиғлаган туркнинг ҳолини ай-
тарга келдим, хоқоним!

Улуғ хоқоним! Турклик шарафи таланди.

Турк учун қўйдигинг давлат битди, турк
остиға қурдиғинг хоқонлик ёғийгами кетди.

Туркнинг номуси, эътибори, иймони, ви-
ждони золимларнинг аёғлари остинда қолди.

Туркнинг юрти, улоғи, ўчоги, Турони ёт
қўлларга тушди.

Туркнинг билгиси, онги, ўйлови, зийрак-
лиги жаҳолат ўлжасига кетди.

Сенинг қиличинг билан дунё эгаси бўлған
турк тинчгина бир ётоқ тополмай қолди.

Сенинг кучинг билан дунё хўжаси бўлған
турк қарлук темурларига* кирди.

Хоқоним!

Туркликка хиёнат қилғанлар турк бўлса-
лар ҳам қонларини оқизмоқ сенинг муқаддас
одатингдир, ётма, тур!

Сенинг омонатингга хиёнат қилғанларни
эз, ур, ўлдур!

Султоним!

Биламан, шу тобда сенинг у юксак ва улуғ
руҳониятинг мен каби тубан руҳли ва ҳим-
матсиз бир боласининг шу ҳолига ғазабли
кулуб турубдир.

Биламан, шу чоғда сенинг тўлқунли ден-
гизларга ўхшаган юрагинг мен каби юраксиз
бир ўғлингнинг шу қўринишиндан нафрат
қиласидир.

Чунки юқорида айтдигим ишларнинг
ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини
ӯзим қилдим,

Сенинг Туронингни ўзим талатдим,
Сенинг турклигингни ўзим эздирдим,
Сенинг омонатларингга хиёнат ўзим қилдим.

Мен уч кунлик умримни тинчгина ётиб ўтказмоқчи бўлмаса эдим, шуларнинг бирор таси бўлмас эди.

Мен қўлимга топширдиғинг қилични ташлаб, чолғуни олмаса эдим, Туроним таланмас эди!..

Мен ёлғиз қонли кўз ёшларимни бу саганнингга тўкмак учун эмас, ўз ёзиқларимни иқрор этарға келдим, **ХОҚОНИМ**.

Мени қўйма!

Мен ёлғиз ёзиқларимни иқрор этарға эмас, Туронга бердигим заарларни тўламоқ учун келдим, **ХОҚОНИМ**.

Мендан нафрат этма!

Эй арслонлар арслони!

Меним ёзукларимдан ўт,

Мени қўлимни тут,

Белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер!

Сенинг дунёга сифмаган гайратингга онт ичаманки, Туронинг эски шараф ва улуғлигини қайтармасдан бурун аёғларингда ўтирамсман.

ЮРТ ҚАЙГУСИ

(Она билан ўғил)

– Она! Нечунгина йиглайсан? Бугун саодатга эришдик, яна қайғурасанми? Бугун ўз тилагингга етишдинг, кўз ёшларингни тўкадирсанми?

Эмди қайғурмоқ чоги битди, йиғламоқ палласи йўқ бўлди, роҳат кунларинг етишди, онам!

– Оҳ... ўғлим, арслоним! Мустабид хукумат уйимни талатди: буюк биноларимни йиқитди; суюкли ўғлонларимни ўлдурди.

Таҳаммул этдим, сабр қилдим, кимсага бир оғиз сўз бу тўғрида очмадим. Негаким, қўлларинда қилич, ўмузларинда тўғанг, мани ўлдирмоққа хозир эдилар. Дунёning мукофот эканлигин билган эдим.

Билар эдимки, бу золимлар бир кун қилғон зулмларининг мукофотини кўрарлар. Билардиму тўкилган қонларнинг ҳар бир томчисидан бирор арслон яратилуб, бунларнинг қонларини ичарлар.

Кўзлари кўр, қулоқлари кар бўлиб оналарини тонимайдилар, юрагимни тешадирлар, бағримни парчалайдилар. Ўзларини тарбия қилиб етиштирган оналарини йўқ бўлувига сабаб бўлдилар.

Ўйламас ўғилларим бутун бир қутимни ётларға талатиб, номусимни гайриларнинг оёғи остинда олдилар.

Бўйла оналирига душманликлари ўз бошларига етди, букун кўруб турғон мукофот у қилган зулмлариға қарши эди.

Шу давлат, шу ғууруларига маст бўлғон хоинларнинг касофати тегди. Бутун уйимни ёндириллар, юрагимдан алангалар чиқа бошлади, буюк биноларим ёниб битди.

Гўзал-гўзал масжидларим кул бўлди. Золимга қарши отилган тўпла маним том юрагимни тешди, у мустабидларга қарши отилғон тўфантлар мани хавфга солди.

Нима қиласин, ох, мингларча гуноҳсиз маълум ўғлонларимни ноҳақ ерда қонлари тўкилди, қанча оналар боласиз ва неча ўғлонлар онасиз қолди.

– Онажоним! Йиглама, душманлар маҳв бўлди, у мустабид қон ичучилар битирилди. У мустабид қўлиндан очилғон яраларингни тузатмак учун дўқтурлар ҳозирланиб, заҳмлар тузатилди.

Эмди йиглама. Санинг саодатингни чин кўнгулдан истаб юрган болаларинг ҳолингни сўргали келдилар. Тур! Йигламоқ ўрнида бироз кул.

– Ох, арслон ўғлонларим! Эмди чин суюкли ўғлонларимни кучогинда ётайин. Ох, мен сизни бу кунларим учун етишитирган эдим. Маним эмканиб тарбия қилғон чоғларимни эсингиздан чиқармайсиз.

ТУРЛИ ЙИЛЛАРДА ЁЗИЛГАН ШЕЪРЛАР

ПАХТА ТЕРИМИДА

Расмлар, лавҳалар, безаклар-ла
Жонли-жонли шиор тилаклар-ла
Яшнатилган чиройли чойхонанинг
Чарчамас соати, ғуур ҷолиб
Урди саккизни,
Ундади бизни
Ижтимоий вазифани бошига.

Биз,
Колхоз аъзолари бутун, ҳаммамиз,
Азамат гуллаган ясов тортиб
Ерни титратгувчи қадамлар-ла
Қайғусиз, шод, жонли дамлар-ла
Илгари юрдик,
Юрдик илгарига...
Бориб турдик:
Ой чечакларидан
Хандалар гуллаган,
Ниҳоятсиз,
Кенг
Соҳанинг қошига.
Нор ака, Ойниса, Севар, Йўлдош,
Нурмат, Эргаш, Тош...

Ҳар ким ўз чербинда ер тутди,
Шавқ ила,
Завқ ила
Оқ олтинлар
Денгизида ўзини тарқ этди.
Қўллар
Осмон тўлқинига ўхшаш
Барг дарёсида
Кумуш юлдуз
Термакда...
Миялар

.....

.....

Илгари, доим илгарига қараб
Юрмакда.
Тердик,
Тердик...
Вақтнинг оққанини сезмасдан,
Ишдан асло безмасдан.

Бир замон кучли бир товуш
Азаматлик, ғурурлик бир күш
Каби юксалди:
– Дам олиш куни
Ишимизнинг кумуш натижаларин
Жон қучоғида бостириб
Ҳар тараф қаторланган
Қоп-қанорларнинг
Сайридан

Кўз-ла юзларда
Шодлик тўфони
Узондиқ күёшда
Бошда
Дам олиш, кейинги иш плони...
Шул аро билмадим, нечук бир овоз,
Касал бир овоз
Ингради:
« – Инилар, оғалар, бузулди ҳаво,
Тўхтатинг ишни, қайтайлик уйга...»
Қайнади
Мияларда азоб алангалари.
Кўзлар,
Сўзлар
Итобли жавоблар-ла
Жавобли итоблар-ла
Соч(а)лар нафрат ўтларин
У сари:
– Ҳаводан сўзлама,
Бузулғон ўзинг,
Ёв тилиндан оқар бу заҳар сўзинг.
Кўрасан-у
Кўрмак истамайди кўзинг –
Ки, оқ олтин қучоқлағанда қатор
Тизилиб йўл кутар бу қоп-қанор
Сосиализм қуриш учун маҳкам
Пойдеворлар эрур.
Кўра олмайди кўзларинг,
Кўрсак!

Ерга қўнғон бу нуқра кўлкорлар

.....

.....

Тезлар.

– Мен, биз

Шунинг учун чарчамасдан ишлаймиз,

Сенинг каби ҳақиқатни кўрмаган

Кўрларни

Орамиздан қизғончсиз ҳайдаймиз.

ҚОР

Кучсиз, титроқ, оппоқ, кичик томчилар,
Турмай, тинмай тупроқ уза ёғадир.

Ел бизларни, билмам, нечун қамчилар?!

Кўкларда ҳам аёзлиқдан оқарған

Бир кўз бормиким, ёши

Бизнинг алам, ўлим билан сугорилган

Еримизнинг кўчигига оқадир.

Бу кичкина, ўксуз, оппоқ бебаклар,

Уча-уча етмай қолған тилаклар

Эскан елнинг қўллариға ўзини

Ташлаб қўяр, борлигини унтар.

Ҳеч узмайин юқоридан кўзини

Титраб-ти trab қора ер узра тушар!

Тушгач, бутун тушканлардай топталар...

Теккан ерин билмай босған оёқлар,

Пичраталар бунинг оппоқ бетини.

Босған изин кўрмай ўтган туёқлар,

Топтаб-топтаб, ох... айтолмам кетини...

Яна бир кун кўк кўкрагини очиб,

Кула-кула бунлар сари бокғандা,

Яна бир кун қизлар каби табиат.

Қулоғига олтин ҳалқа тақғанда,

Бунлар бутун пичроқлардан айрилиб

Кўклар сари қараб учиб кетадир.

Яна учиш, яна ўйин, яна эрк,

Оҳ... у кунлар!..

Шўр сувлардан чиқиб келган бу маймун,

Тулки, илон, шайтон, алдовчи малъун*

Англизлар!...

Ҳамда унинг қуйругини тутканлар!

МЕНИНГ КЕЧАМ

Кеч бўлди, тиниб битди товушлар,

сўнди бутун уйларда чироғлар,

тебранмади ер узра оёғлар,

зулмат яна ҳар ён оқа қолди.

Толпинмади, сайрашмади күшлар,

жимжиткина инга кирди,

бошини солди кейинга,

сўлғун қаноти остига олди.

Учмоқ, яшамоқ қайғуларига

«чик» деб ўзини уйқуға солди,

ҳар дарди йўқолди.

Кўклар сари чаққон кўтарилиган

тоғ гавдали уйлар,

кўнуқлар,

саройлар
айрилди бутун дабдабасындан,
бир қоп-қора ҳайкал тусин олди.
Кундуз саккиз-үн ёққа юрган,
чопган,
йиқилишған,
яна турган,
үңг, сүл уни тепкан, буни...
инсон-да ётиб уйқуға толди!
Сүлғун, қора, турғун дема. Күрдим
мунгли кечанинг мунгли өфінде,
күб мунгли уйимнинг кирогинда
ёлғуз ики нарса ёндаш-да:
бири шамъым,
бири...
күнглим!
Бошқа ҳама тинч, жим,
үчлаб узониша.
Шундай кечаларни севаман мен,
бунда югуриш йўқ,
сўргилуш йўқ.
Юрмоқ-да, олдамок-да кўрулмас,
ёлғуз кўруниш,
сохта кулиш йўқ.
Ёв шакли кўзимдан кўб узокда.
Дўстлар эса ундан-да йироқда.
Шундай кечадан ўргуламан мен!

* * *

Гўзалим, бевафо гулистоним;
Бог умримда тоза райхоним,
Фаму қайгуларим хужуминдан
Сен эдинг меҳрибон нигахбоним.

Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да тарқ этдинг.

Кел, гулим, кел, аёқингға йиқилай,
Бир замон қўй: тўлиб-тошиб йиглай.
Кўй, бироз қўйки, хоки пойингни
Сурмадек ёшли кўзума сурай.

Кетма, тур, тингла арзи ҳолимни,
Арз этай ҳоли пурмалолимни.

Қани ул дамки, сен эдинг ёrim,
Мунисим, ҳамдамим, мададкорим.
Сенинг оғуши илтифотингда
Роҳат этмишди жисми беморим.

Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да тарқ этдинг.

Кел, аёқингға қон бўлуб тўкулай,
Бир нафас дард-ҳажрдан қутулей.
Кел, гўзал дилбарим, кел, сочингни
Бир тараӣ, бир ўпай-да, сўнгра...

Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да тарқ этдинг.

МУСУЛМОНЛАР, ҒОФИЛ ҚОЛМАНГ!

Яқында шаҳар думаси очилур. Шаҳар думаси, шаҳримизнинг покизалик ва ободлиги, мактабларимизнинг тараққий ва интизоми, болаларимизнинг тарбияси ва халқимизнинг тинчлиги учун керак бўлган ишларни ўз қўлига олур. Шаҳримиздан хазинага киратурган оқчаларни шу йўлларда сарф қилмоқчи бўлур.

Бу олдимиздаги шаҳар думаси эски хукумат замонидаги шаҳар думалариға ўхшамас. Йигирмадан ўтган бутун шаҳар одамларининг ихтиёлари билан сайланурлар. Бу шаҳар думасинда жуҳуддан, русдан, мусулмондан вакил қилиб ўтурур². Ва шаҳар ишлари учун гапурушурлар. Шаҳарнинг қайси қитъасинда касалхоналар курмоқ керак, шаҳарнинг қайси қитъасиндағи йўлларни тузатмоқ керак, шаҳарнинг қайси қитъасинда қанча мактаб солмоқ керак, деб кенгашурлар ва шул тўғрилардағи ишларни «вакиллар кўбчилиги»нинг қарори билан қилмоқчи бўлурлар. Вакиллар кўбчилиги ҳаммадан бурунроқ эски қитъ-

анинг ерларин тузатурға қарор берса, чора йўқ, шу қилинур. Вакиллар кўбчилиги қўброк касалхоналарни янги қитъада солмоқчи бўлса, иложи йўқ, шу бўлур.

Мана шуларни онглаган ҳар жамоат, ҳар миллат шаҳар думасига ўзидан қўброк вакил ўтказмоқ учун тиришадир, думанинг кўбчилигини ўзига олмоқчи бўладир. Ўтган хафтадаги «таҳрири нуфус»дан³ онглашилдики: шаҳримизда ҳалқнинг тўртдан учи мусулмон ва тўртдан бири рус, армани ва жуҳуд эканлар. Шунга қараганда унлар хазинадан чиқим бўлатурған оқчанинг уч шунчаси биз учун чиқғучидур. Унларга бир мактаб очилса, бизга уч, унларга бир касалхона очилса, бизга учтаси очгули; унларга бир пут буғдой керак бўлса, бизга уч пут керакдир.

Қисқаси шулким: бизнинг ҳақимиз уларнинг ҳақлариндан уч йўла берқдир. Мана шуларни тилаб олмоқ учун шаҳар думасининг кўбчилигини олмоқ керак, шаҳар думасининг кўбчилигини олмоқ учун мусулмонларнинг сайлов куни лозимдур. Йўқ, сайлов куни ҳар ким ўз уйинда ўтиrsa; бошқалар кўбчилик бўлиб келсалар ва думанинг кўбчилигини ўз тарафлариға ўткарсалар; у вақт биз ҳеч бир ҳақимизга эришолмасмиз, яна эски каби хукуқсиз бўлиб қолурмиз; яна эскиси каби ўз

шаҳримизда ўз оқчамизнинг роҳатини ўзимиз кўролмасмиз.

Шунинг учун бақириброк айтаманким, ўз халқларини яна бошқаларнинг оёқлари остинда қўймоқчи бўлмаган мусулмонлар! Сайлов куни ғофил қолманглар, кўбчилик бўлиб келурга тиришинглар.

«ШЎРОИ ИСЛОМИЯ»НИНГ ХАТОСИ

Мақоламизнинг шу унвони, ўкувчила-
римизнинг ҳайрат ва таажжубларига сабаб
бўлса керак. Ўзимиздаги шул мақолани буюк
бир ҳайрат ва таажжуб ичинда ёзиб туриб-
миз. Масала шу:

«Шўрои ислом» жамиятининг¹ сайлов
тўғрисинда «уй эгалари»² отли бир рус пар-
тияси билан иттифоқ қилғанини барчамиз би-
либ олдик эмди. Машхур сўзларга қараганда,
шул иттифоқ икки мусулмон, бир рус тарти-
би ўзаро боғланган. Мунинг маъноси шуки,
«Шўрои ислом» ўз рўйхатига элли(к) мусул-
мон ва йигирма беш русни, икки мусулмон
бир рус қилиб ёзадир. Сайлов куни «Шўрои
ислом» тарафдорлари бўлған мусулмонлар
билан «уй эгалари» тарафдорлари бўлған
руслар шул шўронинг рўйхатига товуш бе-

рурлар ва натижада масала 15 галос³ олинса,
5 тасини русларга бериб, 10 тасини мусул-
монлар оулурлар.

Тунов куни мутафаккир бир дўстим билан
шул тўғриларда гапуриб ўтирган эдим. Дў-
стим ҳақли бир суратда «Шўрои ислом»нинг
шул иттифоқини танқид қилди, дедиким:

Самарқанд сайловига кўшилатурған-
лар; мусулмондан (хотунлар ҳисоб эмас) ўн
олти минг, жуҳуд икки минг беш юз, рус ўн
бир минг беш юз, ҳаммаси ўттиз минг киши
бўлур. Шул ўттиз минг кишини етмиш беш
галосига тақсим қиласак, ҳар тўрт юз кишига
бир галоси тушар. Эмди шуниси ҳам маълум-
дирки, сайловга кўшилатурған ўн бир минг
беш юз руснинг ҳаммаси «уй эгалари» парти-
ясига дохил эмаслар. Чунки руслар орасинда
«уй эгалари» партиясидан бошқа тўрт-беш
партия бордур. «Уй эгалари» партияси ғай-
рат қиласа, ўн бир минг беш юз русдан икки
мингини ўз тарафига ола билур.

Фараз қилайликки: шўро жамияти шул
сайловда ўз тарафиға, ўз рўйхати учун икки
минг мусулмон товуши ола билсун. «Уй эга-
лари» партиясининг ўттиз беш галоси тушар.
Энди иттифоқ юзиндан шўро жамиятининг
ўзи шул ўттиз беш галосдан ўн икки минг
мусулмон товуши олур 24 галосни; «уй эга-

лари» партиясига икки минг рус товуши учун берур ўн бир галосни!

Холбуки, айри-айри списка бўлганда «Шўрои ислом» ўн икки минг мусулмон товуши учун 30 галосни ва «уй эгалари» партияси икки минг рус товуши учун беш галосни олур эди. Мана шул хисоб юзиндан Шўро жамиятининг шул қилған иттифоқи мусулмон ҳақига зааралидир, чунки олти мусулмон галосининг ери русларға ўтган бўлур.

Дўстимнинг бу хисобларини эшитгач, ҳайратда қолдим. «Ажабо, Шўро жамияти нечун шуни тушунмайди?» дедим ва чиқиб келдим. Шўро шу масалани тушунмаған бўлса, миллатнинг ўзи тушунсин ва ортуқ қайси нўмири рўйхатга товуш бермак керак эдигини тайин этсун.

БУХОРО УЛАМОСИ

Бухоро уламосини, асосан, икки фирмәга тақсимэтишмумкиндири. Бири Бухороваунинг теваракиндан тўпланиб таҳсил қилатурган бухорийлар, иккинчиси Бухоро хонлигининг Шарқ тарафиндағи Кўлоб деган тоғлиқ ердан келган кўлобилар. Тарихи исломдакиси бани Ҳошим бани Умавия ўргасида бўлғани каби Бухоро уламоси ва кўлобилар орасинда эски

бир даштлик бордир. Бу душманликнинг бош сабаби ҳозирги Бухоро қозикалони бўлған Бурҳониддиннинг бобоси қози Садриддин Мулла Тўхмақ ўғли деган зотдир.

Қози Садриддин(дан) бурун бўлған Бухоро муллаларининг барчасига бир кўз қараб ҳар бирига мустаҳиқ бўлдиги илмий мансабларни бера(р) эканлар. Мазкур Мулла Садриддин Мулла Тўхмақ ўғли Бухорода қозикалон бўлғач, иши тезлашиб кетган. Бу одам аввал Бухоронинг вақфларига ва бошқа ишларига буюк хиёнатлар қилган: ҳалқ устига «каминона»⁶ деган бир солуғни ёлғондан шаръий деб юклаган, кўб вақт ерларини, вақф оқчаларини ҳукумат ҳазинасига оғдарған, шу йўллар билан амирни(нг) ўзига тобеъ қилиб олғандан кейин Бухоронинг ёғли мансаблари(ни) ўз кўлобиларига олиб берган.

Бу одам диний илмлардан (Куръон ва Ҳадисдан) бутун хабарсиз бир одам экан. Бир кун буюк бир илмий мажлисда Куръонни очиб сахифа бошиндаги сурадан ибтидоси бўлган «ҳам аси» жумлаи шарифини «ҳам ишқ» ўқудиги Бухоро уламоси орасинда машхурдир. Унинг бу ҳоллари бухороли уламонинг нафратларига сабаб бўлди. Қози Садриддиндан неча йил кейин ўғли Бадриддин қозикалон бўлди. Бу одам дахи отаси-

нинг йўли билан юра бошлади. Ўзи илмсиз бир киши эдуги учун маълумотли уламодан кўрқар ва унларни иш бошиндан тушура эди.

Ўз қўлобилари орасиндан жоҳилларини сайлаб Бухоронинг буюк илмий мансаблари ни шунларға бера эди.

«Бухороли уламо» илмий мансаблардан маҳрум бўлдилар. Бухоронинг тубчакларий бош кўтара олмай қолдилар. Бадриддиннинг бу ишлариндан гайратли неча уламолар ҳаяжонга келдилар ва унга қаршу бир варака чиқардилар. Бу вараканинг бошинда гайратли уламолардан самарқандли марҳум Муфти Бурхониддин турга эдилар. Қози Бадриддин ёлғон хабарлар чиқориб, муфти Бурхониддинни Бухоро амирининг доимий ғазабига учратди. Муфти Бурхониддин шу илм билан дунёдан ўтди.

Бу зот ўрнига фирмә бошинда устодим марҳум Охунд Мулла Гиёсиддин ҳазратлари ўтдилар. Марҳум устодим диний ва шаръий илмлардан бошқа илми қалом ва эски юонон фалсафасиндин тамоман воқиф бир зот бўлуб, сўзга ҳам кўб уста эдилар. Шунинг учун қози Бадриддинни бош кўтарарга қўймас эдилар. Кўб вақтлар қози Бадриддиннинг оғуси билан амирнинг ғазабига учрасалар

ҳам парво қилмасдан ўз никоблариға давом этиб, дунёдан ўтдилар.

Бу зотнинг ўрунлариға қози Бадриддинга қаршу бўлған фирмәнинг бошига уч зот келдилар, бунлар марҳум шайх ул-ислом Бақоҳўжа ҳазратлари, марҳум устодимнинг укалари Маснаф ва Бухоронинг олим қозикалони бўлған қози Абдушукурнинг ўғиллари Шарифхон маҳдум эдилар.

СИЁСИЙ ҲОЛЛАР

Мусибат устина мусибат! Русиянинг ҳозирги ҳолини очиқ тасвир этмак учун мундан ярашарок сўз йўқдир. Ўзгаришдан2 сўнг Русиянинг ҳар тарафиндан очликлар, ёнгинлар, талонлар, ўлумлар, ўлдурмалар бўлуб турған чогда бирда чиқиб қолған голибия мағлублиги билан бунинг устига тортилмас бир юк бўлуб чўккан Риғоз кетишини кўзда олсак ва бунлар орқасиндан босиб келган Болтиқ мағлублигини ўиласақ, Русияни мусибат устинда мусибат босаётидир. Русия амринда эмдиги түёқларин остинда ётибдир деярга бизни мажбур қилур. Воеа Риғо каби чидамли бир қўргоннинг уч кунда кетмаси Болтиқдаги кимсаларнинг чопибгина англамаси, ёлгуз иштаҳаларни эмас, ўз истиқболларидан

русларнинг ўзларини даҳи маъюс қилур, рус кучиндаги эътимод⁴ ва эътиборларни тубиндан чурутур ҳодисалардан эди. Ортиқ русларнинг охирлари қолған бўлса, бутун-бутун муттафиқларига⁵ қолған эди. Руслар «эҳтимолки, муттафиқларимиз ўз майдонларина орқаси айсимасб юрушлар қилиб, бизни ўзигагина ундуурлар», деб ўйлай эдилар.

Рус сиёсийлари шундай бир умид билан уруниб турмоқда экан, бирдан Италия кўшуни бузулди. Олмонлар Италия узра темур юмрукларини ундирилдишлар ва Италия кўшуни ўз бошини олиб, Олп тоғлари орқасига чиқорға мажбур бўлади. Олмонлар, йўллари узра Италия кўшуниндан минг бўйла кучлироқ бир монеъ⁸ бўлған Олп тоғларин ошиб, Италия саҳролариға индилар. Ортиқ Италия ўлкасининг хар ёнига олмон кўшуни учун йўллар очилди...

Италиянинг бу кўркунч мағлублиги ёлғиз италёнлар учун эмас, руслар учун даҳи буюк бир мусибат бўлди. Чунки ёнғинларинда, бадбаҳтлик лойқаларинда ботиб қолған Италиянинг қўлиндан ололмаган муттафиқлар кўшуниндан Русия учун кўмак кўзлайикнинг маъносиз бир эдугуни янгидан исбот қилиб берди. Бунинг натижасинда Русияда янги бир бало бош кўтарди, большевик балоси!

Большевиклар иккинчи йўла кўзгалдилар. Бу кўзгалишлари биринчиси каби бўлмади. Бу дафъа буюк иш қурдилар. Петроградни олиб, Керенскийни Русиянинг содиқ болаларини охтариб топиб, тўплаб кетурмак учун майдонларигача кетарга мажбур этдилар. Сўнг хабарларга кўра, Керенский теваракдан тўплаб кетурдиги қўшун билан большевикларни енгмиш ва Петроградни унларнинг қўлиндан янгидан олмишдир.

Олмиш, аммо большевик балоси бошқа бир тарафдан бош кўтарди: Тошкандда тўрт кунлик қонли бир урушмадан сўнг, у ерни керенскийчилардан бўшатди. Эҳтимолки, Керенскийнинг Петрограддаги ғолиблиги Тошканд мағлублигини эътибордан тушурар; эҳтимолки, Керенский Петроград ишини тузатгандан кейин Тошкандни даҳи янадан олур. Лекин шунларгина билан большевик кучининг йўқ бўлурини умид этмак тўғри эмас. Большевикларнинг иккинчи чиқишлари билан биринчи чиқишлари орасидаги айирбодни кўрган кимсалар учинчи бир чиқишнинг қандай бўлурини онглаб олсалар керак.

Биз туркистонийлар учун ҳар ҳолда керенскийчилар билан большевиклар орасиндаги курашнинг битиб кетмадигини кўзда

тутиб, ўз йўлларимизни шунга кўра тайин этмак керакдир. Биламизки, ҳозирда курашиб турган бу ойги фирманинг ҳар бири хурриятчиидир. Иккисининг ҳам бизга заарали тушунчалари охирда йўқдир. Зеро, бунлардан биронтаси истибодд тарафдори эмасдир. Телбалик қилиб чопибгина бунлардан бирини ёқламоқ фойдали бўлиб чиқмас. Русияда истибодд тарафдорлари чиқмагунча мусулмон кучини сарф этмак хатодир. Ҳурриятчи икки партия орасинда бўлатурған урушларга қотишмоқ, бунлардан бирини ёқлаб ўзгасидан юз қайтармоқ ёхтиётсизлиқдир. Бунларнинг ҳам бизнинг сўзимиз шу бўлгудирларки: биз мусулмонлар сизнинг ҳеч бирингиздан нафрат қилмаймиз. Бизнинг миллий ватаний ҳақларимизни фасб этмак фикрига тушмагунча биз ҳеч бирингизга душман бўлмаймиз.

Мана ҳозирда туркистонийлар учун хатарсиз йўл шу йўлдир.

МУХТОРИЯТ

Туркистон муҳторияти... Темур хоқонининг чин болалари ёнинда, туркистонли тубчак турклари орасинда, мундан ўғурли1, мундан муқаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлиғига ишонмайман.

Туркистон туркининг қонини қайнатуучи, имонини юксалтгучи бир қувват бор эса, ёлгуз шу сўзда бордир: Туркистон муҳторияти.

Элли(к) йилдан бери эзилдик, тахқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз ғасб қилинди, хукукимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди, тўзимли турдик, сабр этдик.

Кучга таянган ҳар буйругга бўйин сундик, бутун борлигимизни кўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яшрунтурдик, эмгакларимизға ўраб сақладик: Туркистон муҳторияти!

Маҳкамама эшиклиридан йиғлаб қайтгандада, ёруқсиз турмаларда ётғанда, йиরтгучи жандармнинг тепгуси билан йиқилғанда, юртларимиз ёндурулғанда, диндошларимиз осилғанда онгимиз йўқолди, миямиз бузилди, кўзимиз ёғдусиз қолди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда, тушкун руҳимизни кўтармак учун шул қоп-қоронғу дунёнинг узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб тура(р) эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон муҳторияти!

Биз аниқ била(р) эдикким, золим Николай ҳукумати қанча яшарса-яшасун, адолат ошики бўлған... рус демократияси, ҳақга таянган бир инқилоб, ҳар миллатнинг ўз ҳақларини қайтарур.

Инқилоб бўлди. Русиянинг «қўшма ҳалқ жумхурияти» усули билан² идора этилури жарланди. Шул эълон узра ясалган Украина, татар ва бошқа миллатлар мухториятлари тасдиқ этилди. Кўнуқ³ Туркистонники эди. Туркистоннинг тарихий хонбалиқлариндан иккинчиси бўлған Хўқанд шаҳринда тўпланган Туркистон курултойи 27 нўйабрнинг «миллий лайлатурқадримиз бўлған» ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон қилди.

Лекин шуниси борким, бир миллатнинг мухторияти ёлғуз бир съезднинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмоқ ва сақламоқ керакдир. Съезд ўз ишини қилди. Қолғанлари бутун миллатнинг вазифасидир. Мухториятни сақламоқ учун куч лозим. Мухториятни бажармоқ учун ақча керакдир. Буларни миллат ҳозир қилсун.

БУХОРОНИНГ ҲОЛИ

Бухоро ҳукумати ва Бухоро амирининг ич юзи буқун ўртаға чиқкан, «маъфи уз-замири¹» маълум бўлғандир.

Русия инқилоби, императорнинг таҳтдан тушгани, рус ҳукуматининг ҳалқ қўлига кўчдиги Бухоро ҳукуматиға инқилобнинг ҳақиқати ва инқилобчиларнинг тилакларини билдуруди. Инқилобчиларнинг ҳимоясига сифинган ёшлардан Бухоро ҳукумати бироз кўрқди. Кўб ўйловлар, тушунчалар ва қарорсизликлардан сўнг белгули бир қарорға келди. Ўзи учун икки йўл тайин этди: виждан ва имонларини сотатурған «оқча қули» афандиларни сотиб олмоқ ва олтун тузоқға тушмас ёхуд олтунға қарамасларини турли баҳоналар билан у дунёға юбормак!

Бундан биринчи йўлни амирнинг ўзи қабул қилиб, иккинчисини қушбегисига² ҳавола этди.

Амир жаноблари юборған «эҳсон»-нинг қобуғини очиб ярамас, арзимас кимсаларга меҳроҳўрлик³, тўқсобалиқ рутбаларини бағишламоқ, ҳатто фоҳиша хотунлариға мадраса мутавалликларини бермак йўли билан ўзига тарафдор тўплаб турубдир. Қушбегиси эса, ангиз исийун⁵ мазмунини эсга кетиур йўллар билан ёзиқсиз, гуноҳсиз кимсаларни маҳв қилмоқ ила машгул!

Ҳукуматдан бўлмаған ва кўнглидагини тилинда олған мазлумларни ўғрилик тухмат

ила тутдириб, қинаабб икөрөп қилдирмоқ баҳонаси билан яланғоч қоринлариға юз-икки юз тәек ургандан кейин тарбуз сүйи ичирадыр. Бечоралар тарбуз сүйини ичкандан сүнг шишиб ўларлар!.. Сүнг бир ой муддатда шу сурат билан ўлганларнинг сони юз эллиқдан ортмишdir.

Яқинларда яна құшбегининг пилони⁷ билан бүгдирілған икки ёш бухорийнинг шаходатларини газитта ёзған эдік⁸, бу кун олдигимиз хабарға кўра, Бухоро амири амлекига, иккінчисининг ақлига буюк бир мусоийлар⁹ берібдир. Яъни бу жиноятнинг ўз иши ва ҳуқуқини ҳаракати билан исбот қилибдур. Мана шу сўнг ҳодисалар, зулмлар ва инсофизлиқлар Бухоро ҳукуматининг «мъфиу-з-замири»ни онглатадир. Ортиқ Бухоро ислоҳоти йўлинда чин кўнгил ва ўз тилаги билан баённома чиқарған бир «жинояли»¹⁰ ва у баённомани юрутмоқ учун тайин бўлган бир «вазоротпаноҳи»¹¹ йўқдир. Бунлар ёлғон ва бўш сўзлардир. Бунлар зулм қўллари билан қурулған тузоклардир. Бунларга ишонмоқ ўзимизни алдамоқдир.

Энди Бухоро ёшлари учун лозимдирким «баённома – ҳамма бунга кўмак этмак»¹² шиорини мияларидан чиқарғайлар. Бухоро инқилобини истар эсалар, инқилобчиларга

ярашур ҳаракатлар қилғайлар. Яхши сўзлар билан, тавозелар билан, ёлборишлар билан Бухоро ҳукуматини йўлга кетурмак бўлмас. Золимнинг «...» табиатига ўхшаш бир табиати бордир: қочғанга қувар, қувғанга қочар. Золимларнинг шу табиатларини, шу «аҳволи руҳия»ларини кўзда тутмайин ҳаракат қилтурганлар хато йўлдадирлар, зарар кўрарлар. Кўркмайин, тортинмайин кескинроқ ҳаракат қилмоқ керак бу кун: Русия харобаларидан чиқған Қафқос, Туркман, Тотор, Туркистоннинг муҳтор ҳукуматлари Бухоро ёшлиғига¹³ ҳар жиҳатдан кўмак қиларлар. Адолат, хуррият ва машварат билан идора бўлатурған бу муҳториятли ислом ўлкалари ёнинда Бухородағи зулм ҳимоянинг йиқилури муқаррардир. Мунча адолат ва ҳаққоният қуёшлари билан ёруған, ойдинлашған бир қитъанинг ўта сохта, инсофизлиқ қоронғуси туролмас, ўйқолур.

ТУРКИСТОНДА РУСЛАР

Ислом маданияти тарихининг олтунли, юлдузли япроғларидан буюк бир қисми, шубҳа йўқдирким турклар тўғрисида ёзилғандир.

Юонондан Румоға¹⁴, Убадан Константанияга¹⁵ кўчиб келгандан кейин таъсир этиб,

таассублари тарафидан қўл-оёғи боғланиб қолған, маданияти билан улум ва фунун Бағдод салтанатининг эгалари бўлган аббосийлар тарафидан³ тургизилди ва тарбиёт кўрди.

Ул чоғларда ер юзини баҳтли муҳаббат кабилари қоплаған аббосийлар салтанати ёлғизгина сиёsat негизи эмас, улум ва фунун тенгизи ҳам эди.

Аббосий салтанати нифоқ, низоъ, ахлоқ-сизлик, фурур, исроф ва зулм каби кўб ижтимоий касалларга тутулиб ўлгандан кейин унинг меросини яна ислом сиёsatи билан ислом маданиятини ўз қўллариға олиб турклар сакладилар. Аббосийлардан сўнг улуғроқ ислом салтанатларини турклар қурдилар. Аббосийлар қўлидан чиқиб яна эгасиз қола бошлаған маданиятни турклар асраладилар.

«Бизнинг Туркистонимиз эса мана шу буюк турк улусининг бешиги бўлмоғи билан ифтихор қиласди...» Ёлғиз шуми?.. Аббосийлардан сўнг ислом салтанатига коровуллик қилған турк хоқонларининг охири ва улуғларида бўлған Темур янглиғ турк қаҳрамонини Туркистон етиштириди. Яна аббосийлардан кейин «маданияти башария»ни бошлари узра кўтарган турк олимларининг каттаконлари бўлған Абу Али⁴, Улугбек, Жавҳарий⁵ ва

Форобий каби ҳикмат тиракларини Туркистон чикарди.

Афлотунлар чогинда Афина, Румо салтанатида Румо, аббосийлар хулофотинда Бағдод қанча тараққий қилған бўлса Темур ва Улугбеклар замонида Самарқанд шунча тараққий қилған эди.

Бир кишининг миясига чоғирнинг қандай таъсири бор эса, бир миллатнинг миясига дахи салтанат ва маданият ичгусининг шундайин таъсири бордир. Салтанат, бойлик ва маданият ичгулари бизнинг миямизни бузди, бизни маст этди, қўлимиздаги салтанат қиличи билан маданият дафтарини бир ёнга қўйиб сафоат чолғуларини олдик. Урдик, чолдик, ичдик, йиқилдик, ёндик ва шунлар учун бир-биrimiz билан урушдик...

Мана шул чоғларда эдиким: Русия давлати бизнинг ўлкаларимизни келиб борди. Ортуқ биз Туркистон турклари Оврўпа маданияти ташигучи бўлған рус миллатига йўлиқған бўлдик. Маданий руслар билан қоришиб унларнинг далолати Оврўпанинг маданий ва ижтимоий усусларидан таъсир олмоғимиз керак эди.

Шуни ҳам айтиб ўтайлукким, мундай бир таъсирни рус миллатининг авом табакасиндан олмоғи(ми)з мумкин эмас эди, чунки

бизнинг авомимиз унлардан юз маротаба маданийроқ эдилар (хозир ҳам шундай). Русларнинг ўқуған, тарбияли кимсалариндан социализм ва қардошлиқ маслакинда юрганлар ҳам императорлик ҳукумати тарафиндан қувилиб, қисилиб турғанлари учун бизга бирор таъсир қўёлмас эдилар.

Қолди: рус миллатчилари, рус бойлари ва рус пўплари билан шунларнинг қоровули бўлған император ҳукумати. Биз туркистонлилар ёлғиз шунларнинг қўлинда қолдиқ. Не кўрган бўлсақ, шунлардан кўрдик.

Энди кўрайлик қани: шунлар бизнинг таракқийимиз ва Оврўпа маданиятидан таъсир олмоғимиз йўлинда бирор иш қилдилар ёхуд қилмоқчи бўлдиларми?!

Рус капиталистлари билан рус пўпларининг содик ва ишончли қоровуллари бўлған эски Россия ҳукумати элли(к) йил орасида Туркистондағи турк болаларининг фойдалариға бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлдими?

Мана шул саволга, маалтаассуфб, «йўқ!»-дан бошқа бир жавобимиз йўқдир. Юртимиз: элли(к) йиллик бир идораи аскарийа остида турдиги учун биз Оврўпанинг маданий миллатлари билан кўришолмадик, унларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрлариндан истифода қилолмадик. Бизнинг кўзларимизни

очдурмаслик учун фикри очиқ тотор қариндошларимизнинг дахи Туркистонда мактаб очмоқлари манъ этилди.

Бизнинг диний ва миллий ҳиссиётларимизни ўлдурмак тилаги билан Ўстраумов каби мутаассиб пўпларнинг идорасинда газит⁷ чиқарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёнатимизни онглатмоқ учун ўз тарафимиздан очилган мактаблар ва газитлар боғланди, шаръий маҳкамаларимизнинг ҳукуқ ва салоҳиятларидан буюк бир қисми ғасб этилди.

Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорий ишларда, ҳатто вагон арбаларинда Туркистон ерлisisининг ҳукуки Туркистон мусофири бўлған рус ва арманидан тубанда тутилди.

Бухоро ва Хива ҳукуматларининг дохили истиқлоллариға, миллий номуслариға турли баҳоналар билан тажовузлар қилинди. Бу икки ҳукумат ўз ўлкаларинда ўз ҳукмларини юрутолмас бўлдилар. Мамлакат ва миллат қоидалариға бу икки ҳукумат тарафиндан сира бирор ҳаракат содир бўлмади, содир бўлғанда ҳам неча қизғин нўталари ва золимона таҳқир билан йўллари олинди.

Элли(к) йилда(н) бери шундайин хақсизлиқлар ва зулмлар орасида бўғулиб келган

Туркистон бу кун ўз мухториятини Хўқандада8 эълон қилди. Хўқандда ижтимоъ этган9 Туркистоннинг тўртиччи қурултойи ўз баённомасинда «Федаратса асосига қурулган Россия жумхурияти илиа бирликда қолгани ҳолда Туркистон мухторияти» деган сўзни ёзиб, Рус хукуматига содик қолдигини билдурди.

Шунинг ила баробар «Туркистонда ақлият ташкил қилған миллатларнинг хукуқларининг ҳар жиҳатдан сақланмоғини ҳам тантанали суратда» эълон этилиб, адолат байробини кўтарди.

Элли(к) йилдан бери шунча зулм орасинда қолған Туркистон бу кун ўз мухториятини шунча адолат ва садоқат билан эълон қилибдир. Билмадик, нечундурким, ҳозирда иш бошинда адолатчи большевиклар муни қабул қилмай туралар!..

АНГЛИЗ ВА ТУРКИСТОН

Мундан икки ой бурун «Туркистонда англиз мудофаасини сақламоқ учун Чин қўшуни келмоқчи эмиш» деган бир хабар чиқғанда «Хуррият» газетаси икки мақола илиа фикрини билдирган1 ва Туркистон сиёсийларини уйгоқлиқка чақирған эди. Бу кун иш бироз

очилди; Туркистонга англиз вакилларими, англиз жосусларими кела бошладилар.

Бу вакиллардан Когонда Сапар Бадлўғ-2нинг уйига қўнған бир ҳиндли Парнаснинг рус расмий доираларинда бердиғи маълумотга қарағанда бир одам ҳинд инқиlobчилиаридан эмиш, Ҳиндустонда инқиlob чиқармоқ учун большевиклар билан музокара қилғали келган эмиш; Шарқнинг эски хукуматлариндан бириси айдиғи учун рухсат берилса, бечора хукуматини кўрмоқчи эмиш.

Бунларнинг юқори доираларға ҳам сўзлари шу эса биз бунларға «яшурун бир мақсад учун келган жосуслар» деб қарарға мажбур қолурмиз. Юқори доира-ларга тилакларини очибғина айткан бўлсалар, у вақт бунларнинг большевиклар билан музокара қилғали келган вакиллари айдуқлариға шубҳа қолмас. Ҳар ҳолда масъаланинг шу нуқтаси маълумдирким, бунлар жосус бўлсалар ҳам, вакил бўлсалар ҳам тилаклари бирдир. Бунларнинг иккинчиси бир Ҳиндустонни олмокчи бўлғанлар. Бунларнинг кўзлари бизнинг юртимиздадир.

Англизлар билан Туркистон орасинда Афғон ва Чин ҳукуматлари бордир. Ажабо, Британия тулкилари Туркистонимизга

бурунларини сукмок учун Чин ҳукумати биланми онглашадилар. Афғон ҳукумати биланми?

Оғиз хабарлариға қарағанда, ҳар иккиси билан ҳам онглашған; ҳатто Афғон ҳукумати билан иттифоқи күчлироқға ўхшайдырлар. Лекин биз шул Афғон ва Англиз иттифоқини қабул қылмаймиз.

Маълумдурким: бу кун Герман ва турк давлатларининг биринчи душманлари англиздир. Герман ва турк давлатлари олдида Туркистоннинг англизларга кечмакиндан русларға қолмоғи яхшироқдир. Бир вақтлар ўзини турк давлатининг бир қашиши³ атаған Афғон ҳукумати турк сиёсатига шунча молик бўлған бир масъалани қабул қиласми?

Англиз билан иттифоқ этмак – герман ва туркка қарши чиқмоқдир. Афғон ҳукумати бу йўлга киради? Англиз ҳийласининг таъсири буюқдир, эҳтимолким, Афғон ҳукумати ҳам олданғандур, лекин бизнинг умидимиз бошқадир.

Афғон ҳукуматининг урушға қотишмоғи мумкинdir, унинг қути бордир, эҳтимолким, вақти дахи бўладир; лекин биз умид қиласмизким, Афғон ҳукуматининг бу ҳаракати англиз фойдаси учун эмас, герман ва турк пилонлариға мувофиқ бўлмоқ шарти билан ўз

фойдаси учун бу ҳаракат Ҳиндустонға қарши бўлғулидир.

Аммо Англиз ва Чин иттифоқи мумкин-дир. Чин ҳукумати Жапун тазиқотиндан кутулмоқ ва ўлқасининг рус нуфузи остида қолған қисминда ўз ҳуқуқини тасдиқ этурмак учун Англиз давлатининг турли хизматларига ҳозирдир.

Эмди масъаланинг бошқа бир жиҳати қолди. Туркистонни дахи Ҳиндустон каби ютмоқчи бўлған англизлар бу уруш майдонидан қандай чиқарлар? Мағлубми? Мағлуб чиқарлар эса, Туркистонни қайси куч билан сақларлар?

Ўз ҳийлалариға ишонған чидамли англизлар ўзларини шул муҳорибадан оз заар билан соқгина кутқармоқ учун, албатта, бир пилон чизған ва шул пилонлариға ишонгандирлар. Мана шул нуқтага биноан, сулҳдан бурун Туркистонни олиб душманларини «амру афу»⁴ қаршисинда қўймоқ ва сулҳ мажлисинда кирганда Туркистонни қайтариб берарға мажбур бўлсалар ҳам унинг ўрнинда бошқа ёқдан бирор нарса сақламоқ фикринда бўлсалар керак.

Аммо бизнинг фикримизга кўра, англиз ҳукуматининг бу урушдан оз заар билан соқгина кутулмоғи мумкин эмасдир. Герма-

ниянинг оғир ва ёмонроқ зарбаси англизларнинг бошларига инар⁵. Англиз ҳукумати бутун ишдан чиқмайин бу урушдан чиқолмас. Шул суратда Туркистоннинг толеъиб нимадир?

Уни туркистонлиларнинг ўзлари тайин қиларлар, аммо иттифоқ ва иттиход айтиб бутун фикрларини бир нуқтада тўплағандан кейин!..

БУХОРОДА ИНҚИЛОБ

«Дунё ҳаводис¹ ўчогидир», демишлар, тўғри бир сўз.

Йигирма саккиз(инчи) февралда Русияда хуррият бўлди, императўр Николай таҳтдан тушурildи. Кўнсул Миллер Когондан Бухорга кируб, «Наминор» ҳавлисида ўтурди.

Халқ оғзинда янгифина бир сўз тушуб қолди: «Бухорода хуррият бўлар экан. Муни ёшларнинг тилаги билан рус кўнсулхонаси қила(р) экан».

Кўнсул Миллер Бухоронинг баъзи жамолариндан баъзи одамларни ёнига киргузуб гапурди.

Шул чоғларида қозикалон Бурхониддин билан раис Абдуллоҳхўжа Садур² ва муфти Асқар Маснаф³ маҳдум қатл этилдилар. Бун-

ларнинг ўрнинда Муҳаммад Шариф маҳдум қозикалон ва Абдулсамад маҳдум раис бўлдилар. Бу ҳодиса Бухоро ҳалқининг қизғин бир ҳаяжонига сабаб бўлди.

Апрелнинг еттисинда амиrimiz бир баённома чиқордилар. Апрель саккизида Бухоро ёшлари бойдоқ⁴ чиқориб муборакбод қилдилар. Муллалардан бир жамоа чиқиб шул бойдоқ чиқорғанларни коғир деб ўлдурмокчи бўлдилар. Ҳукумат ёшларнинг бирини⁵ тутуб етмиш беш таёқ урди.

Апрел тўқкузда күшбеги одамлари ёшларнинг уйларини босдилар. Топғанларини кетуруб «обхона» деган рутубатли бир маҳбусда қамадилар ва иккитасини яна ҳукумат амри билан етмиш беш таёқдан урдилар. Ёшлар қочиб Когонга чиқдилар. Абдулҳамидхон раисликдан тушди. Маснаф маҳдум раис бўлуб келди. Самарқанддан рус солдатлари келиб обхонадаги ёшларни қутқорди.

Мана шунлар бир-икки ҳафта орасинда бўлуб ўтган ҳодисалар. Ҳар бири – бир маъно! Мен аниқ биламанким, шул ишларнинг ҳақиқат ҳикматлариндан руслар билан ёшлар ва Бухоро беклариндан бошқа кимса хабардор бўлмади. Бухоро ҳалқи на муллабаччалири, на сахройилари, на косиблари бу коронғу воқеалардан бирор нарса онглаёлмадилар.

Тўғридир: ҳар ёнга югурдилар, истамаймиз, «ўлдирамиз, газоб қиласиз», дедилар.

Нимани истамадилар, кимни ўлдурмоқчи бўлдилар, кимнинг ғазосига чиқдилар? Бунларни онглағанлари йўқ!.. Мана бул рисолани⁷ шунларни онглатмоқ учун қўлимға олдим. Негаким, тилагим: ҳақиқатни халқга онглатмоқдир.

Ҳақиқатни бутун очиб онглата билмак учун бул рисолани уч бўлакка тартиб этдим: 1. Бухоронинг ҳоли. 2. Фитна соатлари. 3. Ёшларнинг тиляклари.

Бухоронинг ҳоли

Илилотимиздағи ишларнинг буюкроғи, албатта, экинчилик, яъни дехқонликдир. Биз бу ерда ҳукуматимиз билан дехқонлар орасиндағи ишларни арз қиласиз. Бухоронинг дехқончилик ерлари тўрт турлидир. Амлок⁹, мулки ҳур¹⁰, вақф¹¹. Бухоро ерларининг тўртдан бири мулки ҳур билан вақф бўлса, бошқаси амлок билан мулки хирожий¹²дир.

Мана Бухорода шул амлокни нечук олалар: Бухоро ҳукумати Бухоро теваракиндаги туманларнинг амлокини олмак учун амлокдорлар тайин қиласидар. Аммо вилоятларнинг амлокларини бекордан оладилар. Ҳар

вилоятнинг беги ўз вилоятига амлокдорлар кўядир. Ҳар амлокдорнинг неча оти, сайси¹³ ва хизматкори бордир. Бутун шунларнинг муҳаррифлари¹⁴ бечора дехқонларнинг устинадир. Амлокдорлар Бухоро ерларини икки турили истифо¹⁵ қиласадар. Биринчиси «хасбар»¹⁶, иккинчиси «хирман». Туманлар, Чахоржўй, Кармана, Хатирчи, Миёнкал ерларини «хасбар» тариқи билан истифо қиласадар. Бухоронинг бошқа вилоятлари хирман тариқи билан истифо қилинадилар. Бу тариқларнинг иккиси даҳи ямондир. Иккисига ҳам золим ва инсофсизлик кўб бўладир.

Хасбар тариқи шудир: экин етишгандан кейин амлокдор ўз одамлари билан бало қўшуни каби истифога чиқадир. Кечалар навбат билан дехқонларнинг уйларига қўнуб, кундузлар истифо қиласидир. Ҳануз хирман қилмаған устига келиб ҳеч бир нарсани билмаган йўлдошлари билан тахмин қилуб бир нарса ёзадир.

Хирман қилинмаған, бичилмаган экинларнинг қанча чиқорини билмак, албатта, пуч: мундай тахминлар ҳеч тўғри чиқмайдир. Ё амлокдорларнинг ва ё дехқонларнинг ҳақи албатта кетадир, лекин бизнинг амлокдорлар ўз ҳақларини бошқага ўткармайлар, балки дехқоннинг ҳақига жавр қиласрга тиришалар.

Бечоранинг ўн ботмонлиқ экинини йигирма ботмон тахмин қилуб дафтарда ёзалар.

Хирман истифоси шудирким, дехқон экинини бичиб, хуббидан¹⁷ чиқориб хирман қиладир ва амлокдор жанобларини кутиб турадир. Амлокдор келмагунча бола-чақаси очликдан ўлса ҳам меҳнат қилиб етиширган ҳосилиндан озгина ололмайдирлар. Олса-чи, боши балода қоладир – икки чорак олса, амлокдор хабар олиб келадир ва бечорани ёғочларга осиб қамчинлар билан уруб, уч-тўрт ботмоннинг оқчасини оладир. Истифо замони келгач, амлокдор жаноблари одамлари билан чиқиб, юқорида ёзғанимиз каби хирманлар орасинда кезиб, тахмин қилиб дафтарларда ёзадир.

Амлокдорлар тахмин қилиб ёздиклари ҳосиллардан бошлиқ ҳақини шул чоғда олмайлар, ёлғуз тахмин қилиб кеталар. Дехқон хирманини қўтарадир, масалан, буғдойни элтиб, арzonлиқ чоғинда юз тангадан сотадир, вактлар ўтуб буғдой юз элли(к) тангага чиқғандан кейин амлокдор бошлиқ ҳақини талаб қиладир. Ул вакт бечора дехқонларидан юз элли(к) тангадан пул оладир.

Энди бир дехқонни кўзимиз олдинда кетуриб, шу ишларни унинг устинда юритайлик, кўрайлик: нима бўлар? Масалан, Турсун

отли бир дехқоннинг тўрт танобгина ери бор, кеча уйқусизликлари, кун очликлари орасинда югурууб-чопиб, иссиқ-совуқ демай, кўш боғлар, хирман совуар, ўн ботмонгина буғдойни хирман қилиб ҳозирлаб қўяр, лекин бола-чақалари очликдан ўлса ҳам амлокдор бек келмагунча шунча меҳнат билан ҳосил бўлган буғдойиндан бир ҳовуч ололмас.

Олса, бир ҳовуч еринда бир ботмон буғдойни йигирма ботмон тахмин қиларлар. Кафсан, от еми, мирзаёна¹⁸ – нималар дебон бир ботмонча буғдойни олиб кетарлар. Бечора Турсун қолған тўққиз ботмон буғдойни қўтарадир.

Бозорга элтиб, юз тангадан тўққиз юз тангага сотадир. Ҳафта, ойлар ўтуб буғдой нархи 150 тангага чиқғач, амлоқдор бек ҳақларини талаб қилалар ва Турсунбойдан йигирма ботмон буғдойнинг учдан бири бўлган олти ярим ботмон буғдой учун бозор нархи юз элли(к) тангадан тўққуз юз етмиш беш танга оларлар. Мана: бозорға бечора Турсун бир йиллик меҳнат қилиб чиқардиги буғдойдан етмиш беш танга зарар тортиб чиқадир.

Лекин иш шунда битдими? Йўқ, яна бир буюк масъала қолди: Турсун-ку ўз буғдойнинг пулларини неча ойдан еб битирған эди.

Амлокдорга бу түккүз юз етмиш беш тангани қаердан топиб берди? Ҳиндилардан, яхудийлардан ё ҳиндитабиат мусулмонлардан фойдага күтариб берадир. Бизнинг дехқонларимизнинг уйини кўйдирган қайдадир? (Муни кейинроқда арз қиласман.) Эмди кўрайлук, қани, бу ҳукумат билан шу амлокдор беклар ким, бечора дехқондан имкони(ча) меҳнат қилиб, чиқардиги ҳосилни бутун олалар, бирор кун, бирор йўл билан шу дехқоннинг бирор ишига кўмак қилурми?

Албатта, йўқ.

Ҳатто бутун қўлимиздан тортиб олдиқлари экинларнинг сўйини ҳам кетуруб бермайдир. Шунинг учун ҳам дехқоннинг уйини кўйдирадилар.

Йилда бир дафъа ариқларни қазмоқ керакки, бу ишни бухоролилар «ҳашар» дейлар. Ариқдан сув ичатурған бутун дехқонлар йилнинг олти ойинда шул ҳашар учун кунда бир мардикор (ишчи) бергулидир. Бера олмасалар бир мардикорнинг кундалик оқчасини ҳукуматга бергулари лозимдир. Муҳорабадан¹⁹ бурун бир мардикорнинг қундалиги 10 танга эди, аммо шу кунларда кирқ танга (олти сўм). Ўн таноб ери бўлған бечора бир дехқон ҳар йилнинг олти ойинда ё бир мардикор тутиб ҳашарга берадир ва ё шу мардикорнинг

олти ойлиқ оқчасини ҳукуматга берадир, бошқа чораси йўқдир. Бир мардикорнинг шу кунларда олти ойлиги 7200 тангадир. Аммо илгари 1800 танга бўла(р) эдики, бу ҳам бечораларга оз оқча эмасдир.

Тухумга²⁰, ҳўкузга, от-аробага пул берган бечора дехқон ҳар йил ҳашар учун мунча оқчани қаердан топиб берадир?

Олдиги ҳосилданми? Уни-ку амлокдор олиб кетди, бечора дехқон бу оқчани ҳиндилардан фойдаға кўтариб берадир. Бундан бошқа пойтахтнинг атрофиндаки ерларға сувни адолат юзасиндан бўлиб бермак учун бир мироб (яъни сув беги) бор, бу одам сувни тақсим қилиб бермак еринда қўнугини (навбатини) дехқонларға сотиб турадир. Сув беги жанобларига йилда бир неча дафъа оқча бермаган дехқонлар сув ичолмайлар.

Закот

Бухоро хонлигинда икки турли закот бор: биринчиси, мол закоти. Шаръий бўйинча, ҳар мусулмон ўз оқчасига йилда бир дафъа закот берадир. Лекин Бухоро савдогарлари ўз оқчалирига йилда беш-олти, ҳатто ўн дафъа закот бералар: масалан, бир савдогар Бухородан йигирма минг тангалик мол олиб, Қаршига элтиб сотса, бир закот берар. Яна у ердан шу

оқчага мол олиб, Бухорога келса, бир закот берар. Ва яна Бухородан шу оқчага мол олиб Қаршиға қайтса, бир закот берар. Шундайин, ўн йўла кетиб-келса, ўн йўла закот оларлар. Бунинг зарари ёлғуз савдогарниңг ўзинда бўлса сўз йўқ эди. Чунки савдогардир, бойдир, озғина кўброқ оқчаси кетса ҳам заар қилмайдир. Лекин у савдогар бу ортуқ ердаги закотларни мол устига қўйиб сотадир. Демак, бундан ҳам қашшоқлар ҳам дехқонлар заар торталар.

Иккинчи закот, качи закотидир²¹; қўй билан качидан олинадир. Қўй билан качининг закоти ҳақиқатан қирқдан бир бўлса ҳам, саррофона, котибона²² ва, билмасам, нималар деб йигирмадан бирга тушуриб қўялар. Бунлардан бошқа чакана закоти²³ деб нисобга эришмаган қўйлардан шариатға маҳолик закот олалар. Закоти олинган қўйлар ва касиларниңг таниндаки йўниндан²⁴ даҳи закот олмоқлари қўб буюк масхаралиқ эмасми?

Закотда зулмларниңг каттароги шулким: қўй ва качи закотини дафтар юзиндан оларлар. Масалан, ўтган йили маним қирқ қўйим бор эди. Келиб дафтарда ёзиб закотини олиб кетдилар. Сўнгра маним қўйларим ўлди ёинки сотиб битирдим. Бу йил бирта ҳам қўйим

йўқдир. Лекин закотчи бек келгач, дафтарни очиб кўралар, ким, маним отимда қирқ қўй ёзилган; иши битди, мендан бир закот олиб кеталар. Қўйим йўқ десам онинг дафтирида бор деярлар «бор эди, лекин сотиб битирдим» десам тингламайлар. «Йўқ, бермайман», десам уриб, осиб ола(р)лар²⁵.

Адабий-бадиий нашр

Абдурауф ФИТРАТ

НАЖОТ ЙЎЛИ

Toшкент «Маънавият» 2022

Муҳаррир *С.Холбеков*

Рассом *Ш.Соҳибов*

Мусахҳих *С.Тошқулова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш.Соҳибов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 йилда берилган. Босишга

30.12.2019 йилда рухсат этилди. Бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$.

«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоги 14,28. Нашр табоги 10,23.

Буюртма №19—44 Адади 1000 нусха.

Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047.

Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 02—20.